# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1996 йил, 30 апрел | 17(46)- сон


## ҚОНУНЛАР — МАМЛАКАТ АҚЛИ

Маълумки, ҳар қандай ҳуқуқий-демократик давлатнинг асосий устунларидан бирини қонун устиворлиги ташкил этади. Қонун эса, неча-неча замонлар қадим юнон файласуфи Сисерон таъкидлаб ўтганидек, иллатларга барҳам бериб, яхшиликка йўл очмоғи керак.

Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳар бир сессияси ижтимоий-сиёсий турмушимизда сезиларли ҳодиса бўлиб қолади.

Шўро империяси емирилиб, мустақил давлатимиз беш йил давомида изчиллик ила жаҳон ҳамжамиятига кириб бораётганини, бозор иқтисоди босқичма-босқич амалга ошаётгани ва шу сингари кўплаб омилларни эътиборга олсак, Олий Мажлис қабул қилаётган қонунлар ҳар бир фуқаро ҳаётида у ёки бу даражада акс этиши ўз-ўзидан аён бўлиб қолади. Бу биринчидан. Иккинчидан, биз жуда кўплаб ривожланган мамлакатлар тарихий тараққиёт жараёнида тадрижий равишда босиб ўтган йўлдан миллий хусусиятларимиз ҳисобга олингани ҳолда жадал олға кетмоқдамиз. Ушбу ҳол ҳам қонунларимиз умуминсоний қадриятларга ҳамоҳанг тарзда, айни пайтда миллий ўзлигимизни намоён этадиган тарзда бўлишини тақозо этади.

«Қонун инсоний доноликнинг юксак ифодаси бўлиб, у одамлар тўплаган тажрибадан жамият фаровонлиги йўлида фойдаланади». Ушбу одилона мулоҳаза XVIII асрда яшаб ўтган инглиз шоири Жонсонга тегишли. Қаранг, ўзга бир мамлакатда, икки асрдан кўпроқ бурун айтилган фикр бизнинг бугунги кунимиз учун ҳам нақадар долзарб...

Демак, Олий Мажлис даражасида қабул қилинган қонун шак-шубҳасиз тарзда эл-юрт, халқ манфаатига хизмат қилади. Ирмоқлар йиғилиб дарё бўлади. Агарки ҳар бир ноиб ўзининг сайловчилари манфаатидан келиб чиққан ҳолда қонун қабул қилинишига уринаркан, бу ҳол бора-бора жамиятнинг барча қатламлари ният-хоҳишлари эътиборга олинишига олиб келмайдими? Ва ниҳоят, Президентимиз бир йиғинда таъкидлаб ўтганидай, депутатларимиз, мисол учун, «мен фалон қонун қабул қилиниши учун елиб-югурдим», «мен фалон қонун қабул қилиниши учун қаттиқ курашдим» дея кўкрак керишга ўрганишлари аслида уларнинг ноиблик фаолиятини тўғри англаганларини кўрсатмайдими?..

Ушбу тахлит мулоҳазалар ўтган ҳафта, 25-26 апрел кунлари Тошкентда ўтган биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессиясида мухбир сифатида иштирок этиш дамларида туғилди.

Албатта, ҳар бир ноибнинг ҳуқуқшунос бўлмоғи эҳтимол шарт эмас. Ҳуқуқ илмидан бохабарлик ноиб фаолиятининг асосини ҳам ташкил этмайди. Муҳими, ноибнинг кўрилаётган ёхуд ўзи таклиф қилган масалага соғлом нуқтаи назари, сайловчиларининг ва, табиийки, Ватани манфаатидан келиб чиқиб муносабатда бўла билуви.

Сессияда Олий Мажлис Раиси Э. Халилов Россия Федератсияси Давлат Думасининг Беловеж битимларини бир томонлама бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳамда собиқ совет ҳудудидаги давлатлараро муносабатларда юз бераётган айрим жараёнлар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари Кенгашларининг қўшма қарори тўғрисидаги масала юзасидан батафсил, теран маъруза қилди. Ушбу масала юзасидан депутатлар қизғин фикр алмашдилар. Чунончи, Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитасининг раиси У.Ҳошимов, «Қизилқумноёбметаллолтин» консерни раиси Н. Кучерский каби депутатлар чиқишларида Истиқлол туфайли маънавий жиҳатдан қандай кишанлардан қутулганимиз, иқтисодий соҳада мустақиллик юртимизга нималар олиб келгани ишонарли тарзда кўрсатиб берилди.

Мазкур масала юзасидан қўшма қарор якдиллик билан қабул қилинди. Ўзбекистон Парламенти «Интеграция ниқоби остида бугунги кунда суверен ва мустақил давлатларни ҳамда уларнинг халқларини ўтмишга қайтариш, тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик тизимини ва коммунистик мафкурани қайта тиклашга қаратилган ташаббуслар ва интилишлар айниқса хавфлидир», дея ўзининг узил-кесил хулосасини эълон қилди, кўп миллатли халқимизнинг хоҳиш-иродасини ифодалади.

Сўнгра Парламент аъзолари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси иккинчи қисмининг лойиҳасини, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Аксиядорлар жамиятлари ва аксиядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги, «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги, «Амир Темур» ордени тўғрисида ва бошқа бир қанча қонунлар лойиҳаларини муҳокама қилдилар. Қонунларнинг номланишидан ҳам кўриниб турганидек, уларнинг барчаси бугунги кунимиз учун жуда ҳам зарур ҳуқуқий нормалардир. Айтайлик, корхона энди маблағини вақтида ўтказиб бермагани учун банкни судга бера олади ёки бўлмаса фуқаро энди Фуқаролик кодексига асосан меҳнат шартномасини тузишда ўз ҳуқуқларидан фойдалана олади, ёхуд депутат ўз ваколати ортида минглаб сайловчиларнинг умид-ишончи турганини, агарда уларнинг ишончини оқлолмас экан, истаган пайтда чақиртирилиб олиши мумкинлигини ҳис қилиб туради...

Биз ушбу мақола аввалида қонунни ҳуқуқий-демократик давлатнинг устунларидан бири сифатида эътироф этдик. Демак, биз қонунлардан хабардор бўлмоғимиз, уларни тушунмоғимиз, кундалик ҳаётимизда улардан фойдалана билмоғимиз ҳам қарз, ҳам фарз. Замон ҳам биздан шуни — ҳуқуқий саводхонликни талаб қилмоқда.

Тўғри, ҳатто ўз вақтида улуғ Балзак ҳам куйиб-пишиб ёзган: «Ҳеч нимани қонунни билганимиздек ёмон билмаймиз... Одатлар — бу одамлардир, қонунлар эса мамлакатнинг ақли... Аксари номақбул одатлар қонунлардан устун келади»...

Зарур қонуннинг қабул қилиниши — масаланинг бир томони. Иккинчи томони — унинг ҳаётга сингиб, тартибга яна тартиб қўшишида. Бу эса бизнинг ҳар биримизга ва ҳаммамизга боғлиқ жараён. Шунда одил қонунлар билан ақлимиз янада пешгир бўлгуси...

**Гулчеҳра МУРОДАЛИЕВА,**
**«МТ» нинг махсус мухбири**



Сессия залида.



Н.Муҳаммаджонов олган суратлар

## ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ ЎЗ ИШИНИ ЯКУНЛАДИ

# ҚАЙТА ТУҒИЛГАН ХАЛҚ, ҚАЙТА ТУҒИЛГАН МАМЛАКАТ

**Иброҳим ҒАФУРОВ**
**Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати**

Толе бизга ҳайратомиз воқеалар билан тўлиб-тошган даврда яшамоқни насиб этди.

Тарихнинг бу айланасида, XX асрнинг сўнгида адолатнинг кўзи ёриди. Аср бошидаги орзулар аср сўнгида рўёбга чиқди.

Биз ҳаммамиз абадий ер ҳаракатининг залворли пўртаналарида мамлакатлар, халқлар, одамлар қайта туғилганига шоҳид бўлдик.

Жаҳоннинг ҳар ерида янги воқелик ҳақиқатидан дарак бериб ўзбек гимни янграмоқда. Жаҳон минбарларида Ўзбекистоннинг эрк, тинчлик, тенг ҳамкорликка чорлаган одил овози эшитилмоқда. Ҳа, кимдир буни истайдими-йўқми, дунё саҳнасига янги давлатларнинг миллий реалликлари чиқмоқда.

Шарқда шундай бир гап ҳам йўқ эмас: 600 йилда эл ўзгаради, халқ ўзгаради, дунёга янги йўлбошчилар келади. Эҳтимол бу афсоналардан афсоналарга ўтиб келаётган нақлдир. Лекин у бизнинг кўз ўнгимизда ҳақиқатга айланди. Ўзбекистон давлатчилигининг тарихий асосларини яратган ҳазрат Амир Темур 600 йил оша яна жаҳонга чиқди, унинг маърифат, бунёдкорлик, иймон-эътиқодга чақирган овози, ғоялари янгидан қадр-эътибор топди. У шарқона университетлар очиш, кўркам шаҳарлар қуриш, Турон кенгликларини боғ-роғлар ва ўлмас сивилизатсия маконларига айлантириш урфу удумларини мамлакатга мерос қилиб қолдирган эди. Мустақиллик шарофати билан соҳибқирон насллари бу давлатпарварлик ва инсонпарварлик анъаналарини муносиб тарзда давом эттириш имкониятига эга бўлдилар. Беш йил муқаддам дунё мустақиллигимизни тан олди. Эндиликда дунё аҳли Ўзбекистоннинг асрлар давомида инсоният маданияти ва санъати, тиббиёти ва фалсафаси, тарихи ва давлатчилик анъаналарига қўшган ҳиссаларини юксак баҳоламоқда. Франсия Ўзбекистон ва унинг Президентини кутлаган бу кунларда соҳибқирон фақат Ўзбекистоннинггина эмас, Европанинг ҳам Амир Темури бўлиб қолди. Шу билан ўтмиш адолатсизликларга қатъиян чек қўйилди. Ўзбекистон мустақиллигининг маданий-маърифий асослари мустаҳкамланди.

Ҳазрат бизни дунё билан маърифатли муомалага чақиради. У бизга фақат ўз кучига, ўз ақл-идрокига, ўз салоҳиятларига таянибгина давлат қуриш ва мамлакатни обод қилишликни васият этиб қолдирган эди.

Ўзбекистон қарамлик занжирларидан қутулиб, ўз мустақил давлатчилик анъаналарини тиклаш даврига кирганда, ақл бовар қилмас сиёсий, иқтисодий, ижтимоий қийинчиликлар, бошқа давлатларнинг тажрибасидан ўтмаган оғир муаммоларга рўпарў бўлди. Улар илк даврда ёш давлатни эзиб қўйиши, охир-оқибат яна бир карра қарамлик чоҳига улоқтириб ташлаши ҳеч гап эмас эди. Яшириб нима қилдик. Ҳозир интегратсия деб жар солаётган, қарамликни қўмсаётган кучлар шуни кутган, шунга қаттиқ умид боғлаган эдилар.

Шундай шароитда Ўзбекистон тўла демократик асосда халқ сайлаган Президенти етакчилигида энг тўғри ва бирдан-бир ўзини оқлаган сиёсий, иқтисодий, тараққиёт йўлини танлаш ва бу йўлдан ишонч билан боришга муяссар бўлди. Тўғри сиёсат билан ечиб бўлмас тугунларни ечди. Тўғри сиёсат билан йўлларни яқин қилди, бегоналарни дўстга айлантирди. Ва ҳамиша ўз кучига таянди. Ақл-заковатига ишонди. Инъом кутмади. Қарзга кўз тикмади. Бу мустақилликнинг тўғри, яхши ўлчанган, пухта ҳисобланган сиёсати, йўли эди.

Президент Ислом Каримов мустақил иқтисодий ривожланиш принсипларини илмий ишлаб чиқишга эришди. Уларнинг ёрқин кучини бугун ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди. Турғунлик ҳам, бўҳронлар ҳам чекинди. Дунё олдида Ўзбекистоннинг юзи ёруғ бўлди.

Бир вақтлар Франклин Рузвелт Американи оғир тушкунлик ва даҳшатли кризислардан шундай ақл-ирода билан қутқаришга эришган эди. Биринчи жаҳон уруши оқибатлари боис талон-тарож бўлиб кетиш хавфи туғилганда, Туркияни Камол Ота Турк миллий таназзулдан сақлаб қолган эди. Ўзбекистоннинг аҳволи бундан кам эмас эди. Ўзбекистоннинг ботган юлдузини дунё сиёсатини чуқур тушунган, узоқни кўзлаган, халқ манфаатларини ўзининг энг олий манфаати деб билган, шижоатли инсонгина кўкка кўтара олар эди. Табиат ва тарих шундай дамда бизга саховат кўрсатди. Ўзбекистонга юлдузни кўзлаган иқтидорли фарзанд берди.

Президент Ислом Каримов дунё сиёсати тарихида биринчи бўлиб иқтисодий тараққиётни юксак маънавият тамойиллари билан чамбарчас боғлади. Буни миллий мафкуранинг асосига қўйди. У ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар ичида биринчи бўлиб янги мустақил давлат сиёсатини — миллий тикланиш сиёсати деб эълон этди ва бу сиёсатнинг тамал тошини қўйди, фалсафасини ечди. Ҳаёт бизга бу жозибадор ва реал сиёсат меваларини бермоқда.

Ўз куч-қудрати, халқнинг битмас-туганмас салоҳияти, ички имкониятларига тўла ишонган мамлакатгина жаҳон интегратсиясига ўз ишончли мустақил йўлидан боради. Бунда ҳар бир давлатнинг ўз миллий манфаатлари устун рол ўйнайди. Ўтмиш машъум тоталитар сиёсат ҳамон баайни Заҳҳок каби ўз елкаларидан қора илонлар чиқариб туради. Уларни дам чуқур, дам зич, дам яқин, дам доимий интегратсия деб атайди. Сиёсий қурбонликлар талаб этади.

Озод Ўзбекистон ўз миллий манфаатларига зид бу йўлни қатъиян рад этди. Ўзбекистон халқи Президент олиб бораётган сиёсатни, Олий Мажлиснинг халқ ва давлат манфаатларини ҳар томонлама кўзлаган қўшма қарорини маъқуллайди ва қўллаб-қувватлайди.

# ВАТАН РАВНАҚИ УЧУН

**Азиз ҚАЮМОВ,**
**Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати**

Халқимизнинг бой ва беқиёс маънавий қадриятлари бугун Ўзбекистон истиқлолининг тобора мустаҳкамланиши учун хизмат қилмоқда.

Асрлар давомида юзага чиққан халқ даҳосининг тимсоли бўлмиш олийҳиммат ва пуристеъдод зотларнинг сермазмун ҳаёти ва самарали фаолияти ана шу қадриятларнинг узвий бўлагидир.

Бу жиҳатдан улуғ саркарда ва давлат арбоби соҳибқирони гетистон Амир Темур Кўрагоннинг 660 йиллиги алоҳида ўрин тутади. Бу улуғ зотнинг катта марказлашган давлат қуриш ва мамлакатимизнинг ободонлиги соҳасида амалга оширган ишлари элга ва тарихга яхши аён.

Мен соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг инсонлик сифатлари, олийжаноб фазилатлари тўғрисида икки оғиз сўзламоқчиман.

Амир Темурга хабар келдики, унинг Табризда ҳукмронлик қилаётган ўғли Мироншоҳ икки-уч бузуқиларнинг таъсири остида ичкиликка ружуъ этиб давлат ишларини унута бошлаган. Амир буюрдики, ўша уч бузуқининг бошини кесиб келтирсинлар. Юборилган жаллод бузуқилардан иккитасининг бошини кесиб келтирди. Аммо учинчиси — қори Абдулқодир қочиб кетган ва қаландар бўлиб юрган экан. Фурсатлар ўтиб ниҳоят учинчи бузуқини ҳам тутиб Амир ҳузурига келтирилди. Жонидан умидини узган қори Абдулқодир Амир Темур ҳузурида тиз чўкканча Қуръон ўқимоққа бошлади. У ғоят ёқимли овоз билан таъсирчан равишда қироат қилар эди. Ҳамма ўлтирганлар унинг қироатига маҳлиё бўлиб қолдилар. Абдулқодир қорининг қироати унинг тавба тазарруси ва қилган гуноҳлари учун кечирим сўраётганини билдирар эди. Амирнинг ғазаби пасайди ва атрофдагиларга қараб бир мисра шеър ўқиди:

**Абдол зи бийм чанг ба мусҳаф зад.**

«Қаландар қўрққанидан қуръонга чанг солди». Амир Темур гуноҳкорнинг айбини кечирди, уни қатл этиш тўғрисидаги буйруғини бекор қилди ва қори Абдулқодирни ўз надимлари қаторига қўшди.

Демак, буюк жаҳонгир Амир гуноҳини бўйнига олиб, тавба қилган кишиларга шафқат кўрсатар эди.

Дарҳақиқат, Навоий айтганидек:

**Қанча буюк бўлса гунаҳ хирмани**
**Елга берур оҳи надомат ани.**

«Гуноҳ хирмонлари қанча катта бўлса ҳам тавба қилиб оҳ тортганда уни шамолга совуриб юборади».

Амир Темурнинг санъат ва адабиётга бўлган муҳаббати аён ҳақиқат. Унинг даврида бино бўлган буюк иншоотлар бунинг гувоҳидир. Темурнинг адабиёт ва илмга ҳурмати тўғрисида қуйидаги бир бадиий лавҳа ҳам далолат беради:

Амир Темур номидан Рум мамлакатига юборилган элчиларга Амирнинг ёш, аммо юксак талант эгаси бўлмиш набираси Мирзо Улуғбек бош бўлган эди.

Элчилар Румдан Самарқандга қайтгач, Улуғбек ўзининг буюк бобосига келтирган совғасини тақдим этади. Бу совға машҳур мутафаккир шоир Жалолиддин Румийнинг бутун Шарқ дунёсида шуҳрат топган «Маснавий маънавий» асарининг қўлёзмаси эди. Амир Темур бу совғадан ғоят шод бўлди ва севикли набирасидан қувониб уни кўп дуолар қилди.

Маълум бўладики, соҳибқирон учун бу тафаккур ва маънавиятнинг олий маҳсули ғоят қадрли бўлган.

Руҳий дунёси шундайин бой бир зотнинг буюк мақсадлар соҳиби ва уларни амалга оширмоқ учун букилмас ирода, зўр куч ва ёрқин қобилият эгаси бўлмоғи табиийдир.

Амир Темурнинг бутун ҳаракатлари ўз она юртининг тинчлиги ва омонлиги, унинг обод ва фаровон бўлмоғига қаратилган эди.

Соҳибқирон Амир Темур тарихдаги буюк жаҳонгирлар қаторидан ўрин олган. Бу эса соҳибқирон қатъият ва кескинлик билан, керак бўлганда эса қаттиққўллик билан иш тутмоқни тақозо қилар эди. Чунки Навоий айтганидек:

**Лутфу карам гарчи эрур дилпазир**
**Қаҳру сиёсат ҳам эмас ногузир.**

«Марҳамат ва лутф қилмоқ қанчалар ёқимли бўлса ҳам, қаҳр ва сиёсатнинг қаттиқлиги ҳам шунчалар зарурдир».

Соҳибқирон Амир Темур ана шундай барча керакли сифатларга эга бўлган ҳукмдор эди. Шунинг учун ҳам унинг ўрни, тузган давлати, у ўтказган сиёсатнинг самарали натижалари мамлакатимиз тарихида ўчмас из қолдирди.

Соҳибқирон Амир Темур номида давлат нишонининг таъсис этилмоғи кишиларимизни бу буюк давлат арбоби ва улуғ инсон фаолиятининг барча ибратли томонларидан таълим олмоққа ундайди, уларни буюк мақсадлар йўлида ҳормай-толмай иш тутмоққа чорлайди. Бу нишон элу юрт, азиз Ватан равнақи учун фидокорона хизматда улуғ соҳибқироннинг замонавий авлодлар билан бир қаторда эканлигини намойиш этувчи тимсол бўлиб хизмат қилади.

*Шу куннинг муаммолари*

# ИСТИҚЛОЛ, ЁШЛАР ВА ФАН

Фан яратувчи кучга эга. У тарихнинг қудратли ричаги, том маънода револютсион кучдир. Фан ва ишлаб чиқариш мураккаб ўзаро таъсирдадир. Мана шу ўзаро таъсирда моддий ишлаб чиқариш илмий билишнинг умумий тараққиётини белгилайдиган биринчи сабабият сифатида майдонга чиқади. Ҳозирги кунда фан халқ фаровонлигини ўстиришда бутун жамиятни ривожлантириш асосига айланди.

Фан фақат олимларнинггина эмас, балки барча моддий бойлик ишлаб чиқарувчиларнинг ҳам ютуғи бўлиши керак. Фан фақат янги информатсиялар бериш эмас, балки шахсни шакллантиришнинг актив омилига, кишиларнинг ижодий имкониятларини ошириш аҳамиятига эга бўлиб боради.

Илмий билимларни ташвиқот қилиш принсиплари, шакллари ва услублари тўғрисидаги масала фаннинг ўзи каби жуда қадимийдир. Ватанимизнинг ва бутун дунё фанининг энг кўзга кўринган намоёндалари ўз фаолиятларини кабинет ёки лаборатория деворлари билан чеклаб қўймаганлар. Улар халқни маърифатли қилишни мамлакат келажаги, унинг ишлаб чиқарувчи кучлари, фани ва маданиятини ривожлантириш билан боғлаб, кишиларни маънавий ўсишларига кўмаклашишни, фан ютуқларини улар эътиборига етказишни ўзларининг бурчлари деб билганлар.

Ҳозирги замон фан билан тирик. Ҳамма ерда биз илмий ва техник ютуқлар гувоҳи бўлмоқдамиз. Фан шу кунда дунёда ҳақиқий кучга айланди ва шундай бўлиб қолади. Шунинг учун ўзи яшаб турган дунёни билиб олишни истаган ёки уни ўзгартиришга ҳаракат қилган ҳар бир инсон фанга ва ҳозирги замон техникасининг илмий асосларига таяниши лозим.

Замонамизнинг туб масалаларига жавоб бериш учун фанга мурожаат этиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб берди.

Сўнгги пайтларда мустақиллигимиз туфайли таълим тизимида қатор ижобий ўзгаришлар бўлаётганини кўриб турибмиз. Халқаро андозаларга мос таълим тизимига ўтиш ва халқаро талабларга жавоб берадиган йигит-қизларни тайёрлаш орзуси рўёбга чиқмоқда. Сир эмаски, ҳар бир буюк давлатни буюк қиладиган унинг етук мутахассис кадрлари, ёки — фанни ривожлантирувчи олимлардир. Кўпгина кишилар илмий ишлар, кашфиётлар, табиат қонунларини таърифлаб беришда эътибор қозонган олимларнинг, яъни билим тўплаган ва катта тажрибага эга бўлган улуғ ёшдаги кишиларнинг меҳнати натижаси деб, ҳисоблайдилар. Аслида эса, фан тарихи йирик кашфиётларни ёш олимлар қилганликларини кўрсатади.

Машҳур олим Галилео Галилей (1564-1642) кўпчиликнинг назарида узун соқолли кекса кўринишида гавдаланади. 78 йил умр кўрган бу даҳо физикадаги ўзининг буюк кашфиётини 20 ёшида қилган. У черковдаги қандилнинг тебранишини кузатган ҳолда, тебраниш даврини ўз юрагининг уриши билан таққослаб, мазкур даврнинг ампулитудага боғлиқ эмаслигини (маятникнинг изохронлик қонуни) аниқлади... Бу кашфиёт соатнинг яратилишига асос бўлди. 25 ёшида Галилей профессор бўлган эди. Кўп ўтмай эса, у ўзининг машҳур жисмларнинг оғирлик кучи таъсирида эркин тушиш қонунини тажрибада кўрсатиб берди.

Икки асрдан кўпроқ давр мобайнида физиканинг асоси бўлиб хизмат қилган классик механика Исаак Нютон (1642-1727) томонидан яратилган эди. Нютон, худди Галилей каби, 20 ёшга яқин вақтида ўзининг йирик кашфиётларидан бири — бутун олам тортишиш қонунини очди ва тортишиш қонунини математик ифодасини берди.

Максвеллнинг машҳур тўрт тенгламаси ҳозирги замон электротехникаси, радиотехникаси ва оптикасининг назарий асосидир. Шу сабабли Жеймс Клерк Максвелл (1831-1879)ни ҳаққоний равишда электротехника соҳасининг Ньютони деб аташ мумкин. У ўзининг биринчи илмий ишини чоп эттирганда, эндигина 15 ёшга кирган эди. 25 ёшида у университет профессори бўлди. Кўп ўтмай, у ўзининг жуда муҳим ишларидан бири —«Электромагнит майдоннинг динамик назарияси»ни нашр эттирди.

Радиоактивлик хоссасининг кашф этилиши билан ҳозирги замон ядро физикаси ва техникасига асос солинди. Бусоҳада 30 ёшли Мария Складовская-Кюри (1867-1943) бош ролни ўйнади. У 36 ёшга кирганда Пер Кюри ва Анри Беккереллар билан биргаликда дастлабки Нобел мукофотларидан бирини олишга сазовор бўлганди.

**Давоми иккинчи бетда**

# ДАВЛАТНИНГ ОЁҚ-ҚЎЛЛАРИ

Фуқаро кодекси масалаларини равшанлаштиришга бағишланган бу сафарги анжуман ўз вақтида чақирилган энг муҳим, энг ҳаяжонли ва энг қувончли воқеадир. Чунки фуқаро, унинг ўзига хос шахсининг туб моҳиятлари, ички дунёси, ватанпарварлиги ё лоқайдлиги — барча хислат ва иллатлари... — буларнинг барини билиш, кузатиб, ўрганишларга асосланиб айтиш мумкинки, кўпдан бери ҳурматли Президентимиз И. А. Каримовнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Бунда мусаффо ғояларга эргашадиган, қандайдир бир етук, баркамол инсоннинг орзуси мужассам.

Ростдан ҳам, ҳар бир фуқаронинг жисмоний, маънавий, сиёсий соғлом, тушунган, етук инсон бўлмоғига нима етсин! Халқпарварлик, ватанпарварлик каби энг олий туйғулар билан фахрланиб, ташаббуслар кўрсатиб яшашдан ҳам ортиқ шараф борми! Биз, фуқаролар озод давлатнинг оёқ-қўллари эканмиз, барча ҳаракатлар самараси маънавиятимизга боғлиқ эмасми?

Бордию биз жисмонан заиф, маънавий қашшоқ, гаранг, нўноқ бўлсак, қай бир гавдага керак бўлур эдик?! Ахир бундай оёқ-қўллар кесиб ташланади-ку! Масалан, бундай фалаж оёқ-қўллар гавдага фақат ортиқча юк бўлиб қолади-ку!

Шундай экан, келажагимизнинг порлоқ, фаровонлиги фақат соғлом насл, соғлом авлод билан юзага чиқади. Соғлом руҳ, соғлом маънавиятни тарбиялашда матубот, ТВ, радионинг хизмати нечоғлик улуғлигини кўпчилик билади. Матбуот унумли ишласа, одамларнинг ғайратига ғайрат қўшилади. Айниқса, газеталар халқ билан давлат орасидаги кўприк. Газеталар онгимизни очади, қарашларимизни кенгайтиради. Кези келса, устозлик, мураббийлик қилади. «Миллий тикланиш»га шундай газета деб қарайман. Ундаги долзарб шарҳлар, фалсафий, сиёсий мақолалар кўпларни қизиқтириб, ўзига жалб этмоқда. Шахсан мен бу шарҳларни диққат қўйиб ўқийман. Ўзимни дунё ва мамлакат сиёсатига ошно сезаман. Мени таҳририятнинг оддий меҳнаткашлар хат ва саволларига алоҳида бир самимийлик билан ўз вақтида жавоб қайтараётгани жуда қувонтиради. Бу хатлар «МТ» саҳифаларида ўз ўрнини топмоқда, ундан оддий одамларнинг овозлари эшитилиб турмоқда. Овозлар ранг-баранг бўлгани яхши-да! Газета Президентимизнинг сиёсати ва миллий давлатчиликни мустаҳкамлаш ғояларини одамлар қалбига етказиб, озиқлантирмоқда.

Мана, Олий Мажлисимизнинг бешинчи сессиясида қанча муҳим қонунлар, қарорлар қабул қилинди. Уларнинг мағзини чаққан, туб маъносини тушуниб етган сайин одам ўзини жуда муҳим ғоялар билан бойиган ва ўзини ижтимоий жиҳатдан мукаммал ҳимояланган каби сезади. Илгари ҳеч қачон қонунлар бундай халққа яқин бўлишини билмаганман.

Рости, одам шундай юртда яшаётганидан фахрланади.

**Холиқназар ХОЛНИЁЗОВ**

# ИСТИҚЛОЛ, ЁШЛАР ВА ФАН

**Давоми. Боши биринчи бетда.**

1905 йилда илмий журналларнинг бирида бир кишига тегишли учта мақола чоп этилди. Мақолалар муаллифи — 26 ёшли Альберт Эйнштейн (1879-1955) эди. Улардан бири — «Ҳаракатдаги жисмлар электродинамикасига доир» мақоласи физикада инқилобнинг бошланишига сабаб бўлди. Унда нисбийлик назариясининг асослари баён этилган эди. Мақолаларнинг иккинчиси фотоэлектрик эффект назариясига бағишланиб, бу иш учун Эйнштейн кейинчалик Нобел мукофотини олишга сазовор бўлган. Учинчи иш «Тинч ҳолатдаги суюқликда мувозанатда сақланган зарраларнинг иссиқлик молекуляр кинетик назариясига мувофиқ ҳаракати тўғрисида» деб аталган эди. У молекуляр тахминнинг молекуляр назария ҳолига айланишига ёрдам берди. Яна 10 йилдан сўнг эса, Эйнштейн умумий нисбийлик назариясини ишлаб чиқди ва фанда асрлар оша ўчмас из қолдирди.

1913 йилда физикада иккинчи инқилобий ўзгариш юз берди. Шу йили даниялик физик-олим Нилс Бор ўзининг атом тузилиши ҳақидаги илмий ишини эълон қилди ва замонамизнинг янги физикаси — квант назариясига асос солди. Шунда олим энди 28 га кирган эди.

Ўтмишда ўзбек олимлари Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад ал-Хоразмий, Ал-Коший ва кўплаб машҳур олимларимиз ҳам ўзларининг оламшумул тадқиқотларини, фаннинг ривожланишига муҳим таъсир кўрсатган қатор буюк кашфиётларини асосан ёшлик йилларида, 16-30 ёшларида бажаришган.

Улуғ бобокалонларимиз — Мирзо Улуғбек — 14 ёшида, Мирзо Бобур — 12 ёшида йирик мамлакатлар тахтига ўтиришган, ғуруримиз, халқимизнинг шаънини дунёга таратган соҳибқирон Амир Темур 34 ёшида оламшумул салтанат асосини тузди.

Ҳозирги замоннинг қатор атоқли физиклари — Ҳ. М. Абдуллаев, С. А. Сирожиддинов, Л. Д. Ландау, А. И. Алиханов, Л. И. Артсимович ёшлик йиллари қилган илмий ишлари туфайли оламга ном таратдилар.

Ёшлар шон-шуҳрат учун эмас, балки ҳаётда фойда келтириш учун илм олишга интилишлари керак. Буюк илмий ютуқларга эришиш учун эса, нафақат ноёб истеъдод, балки ноёб ирода кучи, сабр-тоқат, жасорат, ҳақиқатсеварлик ва ҳақиқатан ҳам, муҳим нарсани била олиш қобилияти талаб этилади. Биз билган нарса — чекли, биз билмаган нарса эса — чексиз. Кам билишингизни англаш учун кўп ўқиш керак.

Умумий таълим мактаблари дастурлари ва техникавий билим юртларида физикани ўқитишга ажратилган соатлар анча ўринни ишғол этади. Ўқувчилар физика фани билан олтинчи синфларданоқ таниша бошлайдилар. Ўқувчи дарсликни ҳазм қилиши, сингдириши учун унда маълум даражада малака, савия бўлиши керак. Ўқувчиларда назарий тушунчалар кўламини кенгайтиришда физика терминлари, атамалар ва луғатларнинг моҳияти катта.

Табиийки, терминлар, атамалар ва луғат мажмуалари ҳеч қачон назарий босқич ўрнини боса олмайди. Лекин физика фанининг терминлари, атамалар маъносини тўғри тушуниш катта амалий-қиймат касб этади.

Физика асосларини ўрганиш замонавий техника воситалари билан танишиш имкониятини яратиб беради ва ўқувчида илмий дунёқарашни шакллантиради. Физика асосларини ўзлаштириш сифати атамаларни тўғри танлаш ва қўллаш билан узвий боғлиқ. Бундан ташқари, ҳар бир физикавий термин ўзига хос тушунча, йўналиш, ҳодиса, устиворликларни акс эттиради. Аввалдан ишлатилиб келаётган русча-ўзбекча физикавий атамалар луғатидаги баъзи ўзбекча муқобиллар ҳозирги вақтда нашр этилаётган адабиётлардаги атамаларга кўп мос келмайди. Бунинг биринчи сабаби баъзи ўзбекча атамалар бўйича мунозараларнинг ҳалигача давом этаётганлиги бўлса, иккинчидан, мунозараларнинг асосини русча сифатлар учун муқобил танлаш муаммосидир. Ўзбек тилидаги адабиётларда учрайдиган бир қанча атамаларда физикавий маъно етарлича тўғри берилмаган, баъзи ҳолларда эса қўпол равишда бузилган. Шунинг учун физикавий маънони тўғри акс эттирадиган атамалар луғатини яратиш ва таржима назарияси устида анча ишлар олиб бориш керак.

Ўқитувчининг педагогик фаолиятига катта ҳурмат билан қараш керак. Ўткир билимли, фаросатли физик олимларимиз етарлича миқдорда бўлса ҳам, лекин қобилиятли ўқитувчилар ҳали ҳам жуда оз.

Мактаб келажакда ақлли кишиларнигина эмас, балки ҳақиқий ҳаётга мослашган одамларни етиштириши керак. Ўқитувчи фаолиятини кескин чегаралаб қўйиш жуда зарар, дарс бериш тамоман ижодий ишдир, меҳнатнинг ижодийлиги ўқитувчилар меҳнатини онгли меҳнатга айлантиради. Одам машина эмас. Менинг фикримча: ўқитувчини мустақиллик ва эркинлик имкониятидан маҳрум этилса, у тугайди.

Ҳар бир ўқитувчи мактабда физика ва математикадан содда масалаларни ечиш ижодий фикрлашнинг ривожланишига унчалик ёрдам бермаслигини тушуниши лозим. Ким қанчалик кўп билишни эмас, балки ким қанчалик яхши билишини аниқлаш керак. Айтилган фикрларнинг тўғрилигини Республикамиз ёш физиклари олимпиадаси жюрисида деярли 25 йил раислигим тажрибаси тасдиқлайди.

Масаланинг бундай ечими машҳур математик-академик Саъди Ҳасанович Сирожиддиновга ҳам ёқарди. Биз Саъди ака билан яқин кишилар эдик.Бизлар баъзан Тошкентдаги Республика махсус физика математика интернатига (ҳозир, литсейга) бирга боришардик. Бирга ўқувчи ва ўқитувчилар билан учрашардик.

Мен физика фанидан жумҳурият ҳамда телевизор олимпиадаларида жюри раиси сифатида фаол қатнашиб, истеъдодли ўқувчилар, мактаб ўқитувчилари билан кўплаб суҳбатларда бўлиб, ўқувчиларда (олимпиада ўтказилаётган жойларда) ернинг сунъий йўлдошлари ҳамда бошқа планеталарга ва коинотда турли ракеталар учирилиши туфайли Эйнштейннинг нисбийлик назариясига, хусусан коинотнинг тузилиши ҳақида ҳозирги замон физикавий манзарага бўлган қизиқиш ортганлигини пайқадим. Ундан ташқари ўқувчиларда ҳозирги замон физика фани асосчиларининг ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганишга қизиқиш ниҳоятда катта. Лекин бу соҳада ўқувчи ва ўқитувчиларга мўлжалланган адабиётларнинг ўзбек тилидагилари камлиги болаларнинг билим савиясини оширишга салбий таъсир кўрсатади.

Юқоридаги фикрларга кўра айтиш мумкинки, ўзини илмий ишга бағишлаган киши ишни талабалик йилларидан, ҳатто мактабдаги ўқиш йилларидан бошлаши керак.

Ўз режасига эга бўлган иқтидорли ёшлар, талабалар ўз соҳасида бор ютуқларни ўзлаштириш учун нафақат ўзи таълим олаётган илмгоҳ имкониятидан, шунингдек, шу соҳада республикада мавжуд барча илмий мутахассислар имкониятларидан ҳам фойдаланиши зарур.

Мазкур сатрлар муаллифи ёш илмий ходимларнинг фаннинг ривожидаги катта ролини эътироф этиш билан кўп йиллардан бери илмий ишлар билан машғул бўлган кекса авлоднинг хизматини камситмоқчи эмас. Шу кекса авлодда бой илмий тажриба ва битмас-туганмас билим тўпланган бўлиб, уларни ёш авлод — илмий ходимларга берадилар. Йирик олим ўзининг атрофига ёш шогирдларни йиғади ва ўз навбатида, улардан баъзи нарсаларни ўрганади ҳам.

Демак, агар биз энг яхши ақл-идрок намоёндаларини тайёрлаб, етказиб турмас эканмиз, мамлакатимиз давлат сифатида ривож топиши қийин, чунки бусиз на саноат, на бизнес ва на армия бўлиши мумкин.

Шу сабабли биз фанни ўн, йигирма йиллардан сўнг ким бошқариши, унинг ривожланишини ким белгилаши ва йўналтириши тўғрисида ҳам ўйлашимиз зарур.

Ҳозирги кунда улар ёш, уларнинг баъзилари орамизда меҳнат қилмоқдалар. Лекин келажакда нафақат катта олим, балки фан ташкилотчилари ҳам бўлиб етишишлари учун уларга раҳбарлик тажрибаси керак. Шу асосда уларга ҳозирдаёқ масъулиятли ишларни ишониб топшириш, мустақилликка ўргатиш керак.

Илгарилари, масалан, академиянинг мухбир-аъзолигига ўрта, кўпинча эса, ундан ҳам кичик ёшдаги ўз истеъдодлари, ажойиб илмий ишлари билан танилганлар сайланар эди. Улар ичидан кейинроқ академиклар чиқар эди.

Ҳозирги вақтда мухбир-аъзоларнинг ўртача ёшлари 60 дан юқорини ташкил этмоқда. Шунинг учун мазкур сайловларда 40 ёшгача бўлган олимларга маълум имтиёз берилса, мақсадга мувофиқ бўлмасмикан? Агар олим каттароқ ёшда бўлиб, фандаги ҳиссаси беқиёс муҳим аҳамият касб этса нега мухбир-аъзоликни четлаб, бирдан ҳақиқий аъзо қилиб сайлаш мумкин эмас?

Ўта қобилиятли ва кашфиётчи ёшлар учун академия эшиги ҳамма вақт очиқ бўлиши лозим. Тарихнинг кўрсатишича, йирик ижтимоий ўзгаришлар доимо ижтимоий ҳаётнинг барча томонларига носозлик киритганлар. Бизнинг авлод бундай синовлардан бир нечтаси гувоҳи бўлган. Шундай ҳоллар ҳозирги кунда, собиқ Совет Иттифоқининг барбод бўлганидан сўнг ҳам кузатилмоқда: саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият, илм-фан қайта бунёд этилмоқда. Доимо давлат ёрдамига таяниб келган соҳалар — маданият, маориф, фан айниқса ҳимоясиз ҳолатга тушиб қолмаслиги керак.

Ҳозирги ижтимоий ҳолатда ҳукумат, табиийки, ўз диққатини давлат учун энг зарурий ишларга қаратади. Бу билан фан ҳукуматнинг эътиборидан тушиб қолади, демоқчи эмасман. Лекин фаннинг бевосита фойда келтирадиган амалий соҳалари асосий эътибор марказида бўлади.

Фанимизнинг ҳозирги ҳолати чуқур ислоҳотларни талаб этади. Ўтиш даври, иқтисодий қийинчиликлари боис фан билан шуғулланишни хоҳловчилар камайиб бормоқда. Шулар туфайли бўлса керак, олимлар орасида фан кўз олдимизда «қарий бошлади», деган гап юради. Эътибор қозонган олимларнинг бой тажрибаларини қабул қилувчилар кам. Лекин яхши ривожланган фан келажаги буюк бўлган давлатнинг ажралмас белгиси эканлигини унутмаслигимиз керак. Бу ўринда юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов ва ҳукуматимиз раҳбарларидан умидимиз катта. Фан бундан кейин ҳам ҳукуматдан мадад олиб туради. Амалий ишлар йўналишлари иложи борича уддабуронлик қилишлари, ўз ишланмалари билан чет эл ташкилотларини қизиқтиришлари зарур.

Фундаментал фанга Президент урғу бериб айтгандай, алоҳида ғамхўрлик зарур.

Бош масала — қандай бўлмасин, ёшларни фанга қизиқтириш. Шундай қилинганда, улар катталар тажрибасидан фойдаланиб, фанни ҳозирги мураккаб ўтиш давридан билим эъзозланадиган келажак кунларигача олиб ўтадилар.

**Р. Б. БЕКЖОНОВ,**
**Ўзбекистон ва АҚШ, Нью-Йорк фанлар академияларининг академиги**

# Рост гаплар мавриди

## (Шароф Рашидов ва Абдулла Қаҳҳор)

Ёлғон гаплар билан тўғриликни куйлаб бўладими? Ёлғон ғоялар юки етмиш йиллик адабиётимизни эзиб қўймадими? Янгича қарашларга, янгича нуқтаи назарларга тайёрмизми? Кўп йиллар улкан тоғ ёки баҳайбат чинор бўлиб кўринган айрим адиблар ҳозирги ва келгуси авлодлар кўзига ҳам шундоқ бўлиб кўринадиларми? Ёки тоғлар ўрнига яйдоқ текисликлар, дарахтлар ўрнига бўшлиқлар кўринармикин?

А. Қаҳҳор билан Ш. Рашидов муносабатлари ҳақида ҳар хил гаплар юради. Яқинда А. Қаҳҳор уй-музейидан Шароф Рашидовнинг бир дастхати топилди. Музей кўргазмасида Ш. Рашидовнинг 1955 йилда битилган бир дастхати бор, унда Ш. Рашидов А. Қаҳҳор билан Кибриё Қаҳҳоровани ўз уйига таклиф этган. Бу иккинчи хат эса 1968 йилнинг 31 майида ёзилган. Шу муносабат билан Кибриё опага мурожаат қилдик:

**— Кибриё опа! Шароф Рашидовнинг Абдулла Қаҳҳор вафоти муносабати билан сизга ёзган ҳамдардлик хатини нима сабабдан жамоатчиликка маълум қилмагансиз? Камтарлик юзасиданми, ибо қилибми, бошқа сабаблари борми? Ҳар ҳолда, республика раҳбарининг бир адиб рафиқасига хат ёзиб таъзия билдириши арзимас воқеа эмас-ку.**

Кибриё Қаҳҳорова: — Тўғри, бу мен учун ҳам, адабиёт аҳли учун ҳам муҳим воқеа. Лекин, ростини айтсам, устоз вафот қилган ўша кунларда бу муносабатдан хаёлим паришон эди. Улуғимизнинг хатини қайсидир китоб орасига қўйган эдим. Кейин ахтариб тополмадим.

Устознинг вафоти менга шунчалик таъсир қилган эдики, ҳатто энди яшай олмасам, керак, деб ўйлаган эдим. Кийимларимни, яхши кўйлакларимни ҳам яқинларимга тарқатиб юбордимки, мен ўлиб кетсам, буларни ким кияди деб.

Шароф Рашидовнинг ўша хатини кўп қидириб, безовта бўлар эдим. Кутубхона катта бўлгани учун тополмасдим. Яқинда тасодифан бир китобни орасидан чиқиб қолди.

**— Кибриё опа! Албомдаги бир фотосуратда Шароф Рашидовнинг Абдулла Қаҳҳорнинг дафн этиш маросимида қатнашгани акс этган.**

**У ерда сўзлаган ҳам эканлар, тўғрими?**

— Устоз вафот қилган кунда Шароф Рашидовнинг шахсан ўзлари сафдошлари (бюро аъзолари) билан бирга келиб, устозниг ижодхоналарига кириб, менга таъзия баён этдилар. Форобий қабристонига ҳукумат аъзолари билан бирга бориб, дафн маросимида қатнашгандилар.

Устознинг жасади ҳозирги Юнус Ражабий кўчасидаги музей қилинган уйдан чиқарилди. Аммо дафн маросимидан сўнг Дўрмондаги боғимизга бордик. Ташкилотчилар шундай ташкил қилишган экан, борсак, боғда қарийб 250 кишига мўлжаллаб дастурхон ёзилган.

Турган гап, буларнинг ҳаммаси — улуғимиз Шароф Рашидовнинг юксак одоби, эътиборининг оқибати.

Устознинг қирқлари ўтгунча ( у маҳали еттиси, қирқи, йигирмаси, йилини ўтказиш ҳурофот эканлигини билмас эдик) Дўрмондаги магазин бизга хизмат қилиб турди. Буларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан бўлгани йўқ.

Яна бир ғалати воқеани айтайин: устознинг қабрига қўйиладиган ҳайкал нечук бўлиб, бир рус мактабига олиб бориб ўрнатилган экан. Бундан огоҳ бўлишим биланоқ мен улуғимизнинг ҳузурларига бордим. Шароф Рашидов ўша заҳоти, менинг олдимда, Марказқўмнинг котибига телефон орқали, тезликда мактабдан бюстни олиб, ўз ўрнига ўрнатинг, деб фармон бердилар... Эрталаб қабристонга борсам, ҳайкал ўрнатилган. Бу ҳақда Асил Рашидов ҳам «Акам ҳақида» деган хотира китобида ёзган.

**— Узр, шу жойда сўзингизни бўламиз, сиз Шароф Рашидовнинг ҳузурига ўша таъзия кунлари чиққанмидингиз?**

— Йўқ, етмиш йилликлари арафасида чиққанман... Ўша маҳал Гуржистонда халқлар дўстлиги рамзи сифатида А. Қаҳҳорга бюст ўрнатилган эди.

**— Кибриё опа, бир қарашда Абдулла Қаҳҳор давлатнинг ҳамма унвону мукофотларини олган, китобларини нашр қилишда ҳеч қандай тўсиққа, таъқиб-тазйиққа учрамаган, уйлари, боғи бўлган, ижод шароити юқори даражада таъминланган. Шунга қарамай, у кишини давлат раҳбари билан тескари қилиб кўрсатиш Рашидов вафотидан кейин бир авж олди. Кимга, нимага бу нарса керак бўлди?**

— Шароф Рашидовнинг устоз Абдулла Қаҳҳорга бўлган ҳурматига яна битта мисол айтаман, ҳамма гап тушунарли бўлади.

Устоз 60 йиллик юбилейи арафасида у кишининг ҳузурларига кириб, юбилейга таклиф этдилар.

Ўшанда Марказқўм биносидан бир киши тушиб, тўғри Рашидовнинг қабулига олиб чиққан. Рашидовнинг ҳузуридан устоз жуда хурсанд бўлиб чиқдилар. У киши: «Юбилейга бутун бюро аъзолари билан бирга бораман, боғингизга ҳам борамиз», деб айтганлар. Дарҳол Москвага — «Огонёк» журналининг ўша пайтдаги бош муҳарририга сим қоқиб, Абдулла Қаҳҳорнинг 60 йиллиги муносабати билан журналда нима беряпсиз? — деб, уларга туртки берган. Собиқ Иттифоқ Ёзувчилар уюшмасига сим қоқиб, нега шу маҳалгача Абдулла Қаҳҳорга ҳеч қандай мукофот, унвон ҳақида фармон бўлмаяпти? — деб ишни тезлатган. Шундан сўнг унвон берилди-да.

Ўйлаб кўринглар, агар ўртада бирон ноўрин гап ўтганда, у киши шундоқ муомила қилармиди?

Ўша юбилей кечаси охирида устоз минбарга чиқиб, сўз орасида:

— Баъзи дўстларим менга ачингандай бўлиб, «Сен келиштириб гапиролмайсан, солдатга ўхшаб, ер тепиб чест беролмайсан», дейишади. Дуруст, чунки мен партиянинг солдати эмасман, онгли аъзосиман — дедилар. Кейин сўз охирида:

— Дўстлар, бу ерда қирқ йилдан бери ўз она тилини унутганлар ҳам бор. Шунинг учун, мен фақат ўшалар учун айтган гапларимни яна бир маротаба рус тилида такрор қилишим керак, дедилар.

Тирноқ остидан кир қидирадиган баъзи хушомадгўйлар бу сўзни дастак қилиб, ўша кечасиёқ тепага чиққанлар. «Мана, сиз унга шунча меҳрибонлик қилсангиз ҳам, у сизга тегизиб шу гапни айтди», деб иғвогарлик қилган бўлсалар кераккки, муносабат 180 даржага ўзгарди-қолди. «Оламни сув бузади, одамни—одам» деган мақол бежиз эмас экан. Эртасига Дўрмондаги боғимизда тайёрланган зиёфатга на ўзлари келдилар, на бошқа раҳбарлар.

Устоз Абдулла Қаҳҳор билан Шароф Рашидов ўрталарида бошқа бирон ижоддан ташқари гап бўлган эмас.

**— Албатта, Абдулла Қаҳҳор ўз даври муаммоларига, ёлғон дабдабабозлик, ошириб ёзиш, порахўрлик, ичкиликбозлик каби иллатларга бепарво бўлмас эдилар. «Ҳуснбузар» деган публицистик мақоласида ўзбек аёлларининг оғир меҳнатга гирифтор бўлгани, адабиёт ва ҳаётдаги ёлғонлар, инсон қадри масалаларини кўтарганлар, «Уят» мақоласида ичкиликбозликнинг авж олиши сабабларини дангал очиб кўрсатганлар, уятни ёвдан ҳимоя қилиш зарурлигини баралла айтганлар. Радио ходимлари билан бўлган суҳбатда ўзбек тилининг хароб бўлаётганидан қайғуриб сўзладилар ва «ўзбек тили — давлат тили» деган моддани конститутсиядан чиқариб ташламоқчи бўлганларни яхшигина «тузладилар». Булар ўша даврда осон гаплар эмас эди. Лекин бу гапларни ёзувчи Республика манфаати учун айтди.**

— Халқ, республика муаммоларини кўтарган одамни Шароф Рашидов ёмон кўрмас эдилар. Аксинча, Ўзбекистонга тегишли бирор камчилик бўлса, тузатишга ҳаракат қилар эдилар.

Фақат ҳар хил гапни даврнинг ўзи кўтармас эди.

Устоз Абдулла Қаҳҳор ён дафтарларига қуйидаги сўзларни ёзиб қўйибдилар: «Адабиёт ҳаётимиздаги ҳасадгўйлик, ёлғончилик, кўзбўямачилик, мақтанчоқлик, қўрқоқлик, хушомадгўйлик каби иллатларга қарши курашиши керак. Буларга қарши курашиш учун ўзи бу иллатлардан мусаффо бўлмоғи даркор».

Жуда кўп учрашувларда устоз билан Шароф Рашидов ораларидаги муносабатга қизиқишади, саволлар беришади. Негадир, жуда кўп одамларнинг тасаввурида, булар ўртасида совуқ муносабат бўлган, деган нотўғри тушунча бор. Яна бир нақлни эслаш билан, сўзимни хулоса қиламан. Шароф Рашидовнинг ўзлари Ёзувчилар уюшмасига келиб, А. Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртаклар» асарини Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотига тавсия этган эдилар. Одатан, одамларнинг меҳру муҳаббати бошига қора кун тушганда билинади.

Мана, бу суратларда, сизга айтганим манзаралар ўз исботини топган, қаранг, мана, А. Қаҳҳорнинг 60 йиллик тадбирида ҳайъатда Шароф Рашидов ва бошқа ҳукумат вакиллари ўтиришибди. Мана бу суратда эса Шароф Рашидов А. Қаҳҳорни дафн этиш маросимида иштирок этган.

Шароф Рашидовнинг Кибриё Қаҳҳоровага ҳамдардлик билдириб ёзган хати:

*ҲУРМАТЛИ КИБРИЁХОН!*

*СИЗГА ЧИН ҚАЛБДАН САЛОМ, ЯНА БИР МАРТА СИЗГА АБДУЛЛА АКАНИНГ БЕВАҚТ ВАФОТИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЧУҚУР ҚАЙҒУ ВА ТАЪЗИЯ БИЛДИРАМАН. АБДУЛЛА АКА ЭНДИ ЎЗИНИНГ АЖОЙИБ ҚАҲРАМОНЛАРИ БИЛАН, ЎЗИНИНГ НОЁБ ИЖОДИ БИЛАН, ЎЗИНИНГ ҲАҚҚОНИЙ АСАРЛАРИ БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛАДИ. УНИНГ ХОТИРАСИ АБАДИЙДИР. УНИНГ СИЙМОСИ ҲАМИША ПОРЛОҚДИР. УНИНГ ҲАЁТИ, ИЖОДИ МАНГУДИР.*

СИЗГА КАМОЛ ЭҲТИРОМ БИЛАН

*Ш. РАШИДОВ.*
*31 май, 1968.*

**М. КЕНЖАБЕКОВ**
**суҳбати**

## ТИББИЁТЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Жиззах вилояти Ю. Ражабий номидаги мусиқали дарма театри биносида Жиззах шаҳар тиббиёт билим юртининг «Ибн Сино» жамоаси, Ғаллаорол тиббиёт юртининг «Меҳригиё» ва «Дўстлик» тиббиёт билим юртининг «Дўстлик» жамоалари ўртасида «Қувноқлар ва зукколар» беллашуви бўлиб ўтди. Мазкур беллашув 4 қисмдан иборат бўлиб, ҳар бир қисмда табобатчиларнинг Мустақиллик мафкурасини қай даражада талқин қилишлари, театрлаштирилган томошалар, куй-қўшиқларида истиқлол таранннуми акс этди. Ана шу шартларни тўлақонли адо этган Жиззах шаҳар тиббиёт билим юртининг «Ибн Сино» жамоаси 1-ўринни қўлга киритдилар. Вилоят Ёшлар иттифоқи ҳамда Соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан таъсис этилган фахрий ёрлиқлар тақдим қилинди. Вилоят илмий услубият маркази раҳбари Раҳматилла Саримсоқов раислигидаги ҳакамлар 2 ва 3-ўрин совриндорларига ҳам муносиб совғалар топширдилар. «Ибн Сино» жамоасига магнитофон, «Меҳригиё» жамоасига радио, ҳамда «Дўстлик» жамоасига ошхона сервизи (тўплами) совға қилинди.

**Гулмира МУСАЕВА,**
**Маданият ишлари вазирлигининг ахборот бўлими мутахассиси**

# «ТЎҒРИЛИК ТЎНИНИ КИЙГИЛ!..»

*Хуршид Даврониннг «САМАРҚАНД ХАЁЛИ» ва «СОҲИБҚИРОН НАБИРАСИ» китобларини ўқиб...*

Ижод аҳли икки реалликда — ҳамма қатори ҳаётда ва ўзи яратган бадиий оламда яшайди. Бадиий оламнинг нечоғли бой ва файзли бўлиши ижод салоҳиятидан келиб чиқади. Хассос ижодкорларнинг бадиий дунёси кўп қаватли муҳташам иморат янглиғ кўкка бўй чўзаверади. Муаллифнинг айтар сўзига, маслак майдонига, руҳий ҳаловатгоҳига айланади бу иморат.

Хуршид Даврон «Ватан» дея аталмиш ўз иморати, яъни бадиий дунёсини йигирма беш йил бурун қуришга киришган. Ватанни душман ихтиёрига ташлаб, жон сақлаган қочоқ фожиасини шундай шеърга солган эди ўшанда Хуршид:

***Уни қувар тинмай она ер —***
***У ҳимоя қилмаган тупроқ.***

Чорак аср нарини қўя турайлик, яқин олти-етти йилга қадар ҳам ижодкор учун бундай бинолар бунёд этиш орзусида яшаш хатарли эди. Шу боис шоир келажакка умид боғлади:

***Самарқанд — бу бир***
***ҳовуч қайғу,***
***Бир қултум бахт,***
***бир ҳовуч армон.***
***Самарқанд —***
***бу қадим қайиғу,***
***Сузиб борар келажак томон.***

Бадиий ҳақиқатнинг қудрати ва шаккоклиги шундаки, у ҳар қандай мустабид ҳаёт «ҳақиқати» исканжасида ҳам ўз сўзини айтиш чорасини топади. Агар Хуршид Даврон ижодининг аввалида ўз сўзини баъзан лирик қаҳрамоннинг умидсизланишлари, маъюсликлари орқали ифодалашга уринган бўлса («Мен кўксингга бошимни қўйдим, Сен чеккан дард, ҳасратда куйдим. ...Эй, қалбимнинг онаси, Ватан!»), унинг қайғу-ҳасрат зимистонида аста-секин умид чироқлари ҳам порлай бошлади. 80-йилларнинг ўрталарига келиб эса ватанга эгалик туйғуси даъват шаклида шеърий мисраларга тизилди:

***Ўғлим, бу ер —***
***Бизнинг еримиз.***
***Ўзимизнинг еримиз.***
***Қўрқмасдан қадам ташла.***
***.......................***
***Эмаклаганим етар, ўғлим,***
***Қад тиклашни ўрган,***
***Шунинг учун бизга берилган***
***Бу ер — бу Ватан.***

Бадиий дунё иморатининг қандай қурилиш ашёси ва воситаси-ла бунёд этилиши давр яратган имкониятга ҳам боғлиқ. Хуршиднинг ватан ва ҳурлик мавзуидаги шеърларида рўйи рост айтилмай қолаётган «нимадир» 80-йилларнинг охирига келиб публитсистик чиқишларда «фош» бўлди. Публитсистик шакл ва руҳ шарофати билан шоир гапнинг индаллосига кўчди. Йиллар мобайнида кўнгил тубида йиғилиб ётган аламу армонлар мақолалар, суҳбатлар, хотиралар пўртанасига айланди. «Тарих — боболар боғи», «Муқаддас китобни варақла», «Ватанни сев, тупроғини ўп», «Кўнглимизда юлдузлар чақнасин» каби бир қатор мақола ва суҳбатлар ана шу пўртананинг қувватига-қувват, шиддатига-шиддат қўшди. Тарихни, тарихга айланган хотираларни шоир виждон посангисига қўйди. Шоир ўз шахсий армони моҳиятидаги катта ижтимоий кемтикликни топди. «Болалигимиздан билиш шарт бўлган оддий ҳақиқатларни англаш учун умримизнинг ярмини бериб қўйдик» деди у. Энди бунга чек қўймоқлик зарур. Қандай бўлмасин, жаҳолатдан, илмсизликдан, манқуртликдан халос бўлиш керак. Ватанни озод кишиларгина чуқурроқ ва теранроқ англайдилар. Бунинг учун эса ишни тарихни англашдан бошламоқ зарур.

Шу тариқа «Аждодлар ёди» деб номланган туркум вужудга келди. Унда тарихни англаш борасида тоғ-тоғ бўлиб уюлиб ётган вазифалар манзараси яратилди.

Инсоний комиллик ўтмишни англашдан бошланди. Чинакам маърифат эгаси олис мозийдан озуқа олади, истиқбол ва истиқлол неъмати ана шундай зиёли мақомидаги қалб ва шуур соҳибларига кўпроқ баҳра беради — Хуршид Давроннинг тарихий мавзудаги бадиалари мазмун-моҳиятини мазкур ҳақиқатлар ташкил этади. Жумладан, «Массагетлар маликаси ва форслар подшоҳи», «Босқинчилик қаҳрамонлик бўладими?», «Амир Темур ўғлининг ўлими ҳақида ривоят» бадиалари 80-йиллар охиридаги ўзбек тарихий маърифатномасида ҳодисага айланди.

Эришилган мустақиллик йилларида замондошларимизнинг ўтмишга муносабатини соғломлаштириш, янгилаш ва шакллантириш борасида кўпгина ишлар қилинди. Янгиланишга руҳан тайёр турганлар орасида Хуршид Даврон ҳам бор эди. У чорак аср муқаддам бунёд этишга киришган иморати тарҳи-бичимини ўзгартирмади, балки қурилиш суръатини тўғридан-тўғри жадаллаштирди. Чунки у имконият кутаётган эди, бу имкониятни мустақиллик даври яратди.

Одатда тарихни ўрганишга жазм этган муаллифлар олдида аҳамияти жиҳатидан бир-биридан кам бўлмаган қатор вазифалар кўндаланг туради. Бизда авваламбор тарихдан бохабарлик борасидаги билимсизликка барҳам бериш зарурати кўплиги сезилди. Бинобарин, матбуот саҳифаларида эълон қилинган ҳисобсиз чиқишлардан тортиб катта-кичик адабиётлар ушбу кемтикликни тўлдиришга қаратилди. «Аждодлар ёди» туркумидан ўрин олган бадиалар соф тарихчи мутахассислар тадқиқотларидан фарқли ўлароқ, уларда ўқувчини маърифатга чорловчи шоирона эҳтирос яққол сезилди. Бадиаларни бефарқ ёки лоқайд ўқиш мумкин эмас, улар беихтиёр ўқувчининг маънавий мулкига айланади, ўқувчини ўйлашга, мушоҳада юритишга ундайди.

Хуршид Давроннинг «Самарқанд хаёли» деб номланган салмоқли китобидан ўрин олган бадиаларда, хусусан, «Бибихоним қиссаси ёки тугамаган достон» асарида муаллиф тарихнинг ўқилмаган саҳифаларини оммалаштириш билан бирга мозий воқеаларини бадиий таҳлил этади. Таҳлил муаллифнинг эҳтиросларга бой хотиралари қоришиғида эссе даражасига кўтарилади. Хуршид Даврон муқаддам яшаб ўтган ўнлаб мумтоз тарихнавислар, шунингдек, бизга замондош устоз адиб ва олимлар номларини беҳад улуғлайди. Шу билан бирга номлари кўпчиликка маълум бўлмаган оддий ва фидойи зотларни кашф этади ҳам. Шундайлардан бири — Самарқанд тарих музейига директорлик қилган Мамат Юсупов образини яратади. Мазкур реал образ, мусаффолик, садоқат туйғуси муаллиф «мен»идаги самимият билан ажиб уйғунлик яратади.

Ўтмишни ўрганишда қонуний бир ҳолат кузатилади: тадқиқотларда муаллифнинг «мен»и яққол акс этмай илож йўқ. Тарихчи воқеа-ҳодисаларнинг ўз «мен»ида акс этган «маънавий манзаралари»ни (Гегел) яратади. Хуршид буюк соҳибқирон шахсини улуғлайдими, Бибихоним, Улуғбек ё бошқа темурий шаҳзодалар ҳаётини ўрганадими — мезон шайинини адолат, виждон, жасорат юксаклигига кўтаради. Темур номаълумлик қаршисида қўл қовуштириб ўтиришни ёқтирмайди... «Иккиланиш — мағлубиятдир» деб ўйлайди. Темур... Буюк саркарда қўрқоқликни кечирса кечиради-ю, аммо хиёнатчига мурувват кўрсатишни гуноҳ санайди...

Ўтмишда қандай воқеа-ҳодисалар юз берганини ёзадиган тарихнавислар одатда кўпчиликни ташкил қилади. НЕГА айни воқеа-ҳодисалар рўй берганини таҳлил қилиш тарихнавислардан ўзгача малака, катта ўқув ва чуқур билимни тақозо қилади. Б. Аҳмедов, Т. Файзиев, А. Бердимуродов, А.Зиё сингари бу тоифа тарихнавислармиз сафида Хуршид Даврон ҳам бор. «Бибихоним қиссаси ёхуд тугамаган достоннинг қайта сайқалланган нашрида, «Соҳибқирон набираси ёхуд митти юлдуз қиссаси»да Хуршиднинг ўтмиш воқеалари орасидаги мураккаб мантиқий боғланишларни, сабаб ва оқибатлар занжирини тадқиқ этишга, далил фаразларни олға суришга мойиллик кучайди. Чунончи, тарихнавис адиб ва шоир нуқтаи назаридан ҳийла нозик масалаларга ойдинлик киритишга ҳаракат қилади, яъни, у Темурдек буюк инсоннинг айни 660 йил муқаддам дунёга келиш ҳикматини изоҳлашга уринади.

Ҳа, Амир Темур она юртимиз учун энг оғир паллада тарих саҳнасида пайдо бўлди. Хуршид ёзмоқчи, Темурнинг «ҳам давлат арбоби, ҳам ҳарбий саркардалик даҳоси Ватан учун мураккаб пайтда зоҳир бўлгани мўъжиза эмасми?» Буюк даҳоларнинг туғилиш санаси, вояга етиб, ўз халқи ва ватанининг оғир кунларига яраши тарихига мурожаат қилинса, ақл бовар қилмас мантиқий қонуниятни англаш мумкин бўлади. Айни шу нуқтаи назардан тадқиқ этилса, Амир Темур мўғул истибдоди авжига минган пайтда мамлакат ва башарият тарихи саҳнига чиқди. Марказий Осиё халқларининг маданияти, адабиёти, илм-фани бир неча юз йиллик таназзулдан «толиққан», парвозга қанот ёзаётган эди. Маҳаллий халқларнинг туркий тили юксалиш палласига кирди. Янгича давлатчилик тизими вужудга келди, савдо-сотиқ ривожланди.

Амир Темур умумбашарий аҳмиятига молик фазилатларидан ҳайратга тушганда ана шу буюкликни таъмин этиб турган ботиний инсоний қудратни унутмаслик керак деган хулосага келади Х. Даврон бадиаларини ўқиган киши. Соҳибқирон яратган боғлар таърифи... Жаҳонгашта саркарданинг аҳли аёллари, суюкли невaралари билан фавқулодда илиқ муносабатлари...

Келини Севинбеканинг ўғли Мироншоҳдан арзини эшитган жаҳонгирнинг кўзларидан ёш тирқирайди, ўзини хилватга тортади... Навбатдаги юришга ҳозирлик кўраётган жаҳонгир муваққат чодирига кириб қайтиб не кўз билан кўрсаки, ҳеч ким йўқлигида чодир туйнугидан кирган қўш кабутар ин қуриб, макиёни тухум босишга ҳам улгурибди. Қўшин сафарга отланганда Темур тўрт нафар навкарини мулозим билан қолдириб уларга тайинлайди: «Тангри таолонинг бу қушлари тухум очиб, полапонлари учирма бўлгунча, шу ёнда бўлурсиз. Полапонлар учирма бўлгач, чодирни йиғиб, ортимиздан юргайсиз...».

Хуршид Даврон тарихий бадиа-қиссани «Соҳибқирон набираси» деб атаган. Гарчи унда асосан Мирзо Улуғбекнинг болалик айёмлари хусусида сўз борса-да, бобонинг невaрага бундай муносабати улуғ неваралар, яъни боқий авлодлар етишиб чиқажагига ишора вазифасини ўтайди. Буюк бобонинг авлодлари ҳам буюк бўладилар. Зеро, боқий сафар тўшагида ётган Муҳаммад Тарағай баҳодир ўғли Темурга бир умрга, қолаверса неча ўнлаб авлодларга татигулик васият қилган эди:

— Толеингда битилган бўлса, ҳукмфармо бўлурсан, аммо ким бўлмагин, мусулмон бўл! Ҳеч бир кимсага ҳақсизлик қилма! Ҳеч кимга сабабсиз ранжу озор етказма! Бировнинг ҳақига ҳийла ёки зўрлик билан хиёнат этма! Тўғрилик тўнини кийгил!..

Ўн етти ёшида қиблагоҳидан тинглаган бу ўгитларни Амир Темур бир умр ёдидан чиқармади, уларга оғишмай амал қилди...

**Хуршид**
**ДЎСТМУҲАММАД**

## I. ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

### Бўрига муҳаббат

Инсоният қуллик асоратидан қутилганига минг йиллар бўлди. Қутулишга қутулдию, лекин... қутулмади-да! Дуруст, қулдорлик жамияти емирилди. Ғуломлар, чўрилар, мазлум ва мазлумалар озодликка чиққандай бўлди. Аммо кишилар онгида ва қалбида қуллик руҳияти, қарамлик, мутеълик, малайлик майллари абадул-абад сақланиб қолди. Сабаби, бу ниҳоятда яшовчан, шилқим, юқувчан иллат экан. Қарабсизки, биров-бировнинг миннатини чекади, бирови бошқа бировга пул қистириб кун кўради. Одамлар бир-бирларига зуғум қилади. Биров амалнинг қули. Лавозим илинжида, алҳазар, баъзан ҳар қандай қабиҳликдан қайтмайдиганлар йўқ дейсизми!.. «Қуллар қул бозорида ошкор, эркин сотилган замонлар ҳам бўлган-а!» деб ўткир заҳарханда қилади поляк адиби Станислав Ежи Летс.

Француз шоири Жан Лафонтенда шундай масал бор. Тоғлар, қирлар, чўлу саҳролар оша ризқ-рўз қидириб, биқини ичига ботиб кетган оч бўри ногаҳонда ҳайҳотдай бир қўрғонга тушиб қолади. «Бўрини оёғи боқади» деб бежиз айтмайдилар... Қўрғон саҳнида тимирскиланиб хўрак қидириб юраркан, бир бурчакда ўзига ўхшаш махлуқотга дуч келади. Бу ит эди. О-ҳо! Қарасаки, итнинг егани олдида, емагани кетида. Иззат-ҳурмати жойида. Туппа-тузук «одамдай» яшаб ётибди баччағар. Иссиққина, тоза, шинам уй. Кўппак тўқлигидан ялтираб, тўнғиздай семириб кетган.

— Эҳ-хе, ишларинг бажо-ку, кучукбой оғайни, — дебди қашқир оғзидан сўлакайи оқиб. — Ошиғинг олчи. Бўл-бўл, ит бўл экан-да. Нечук? Қанийди мен ҳам сен бўлсам! Қорнинг тўқ, кайфинг чоғ. Увв!..

— Бўлмасам-чи, — ириллайди кучук. — Тўрт маҳал овқат тайёр. Ҳатто анови одамлар емаган тансиқ нарсаларни тановул қиламан! Ҳар қанча ҳавас қилсанг арзийди, қашқиржон. Қиладиган ишим: мабодо қўрага ўғри келса, хўжайинни огоҳлантираман: вов-вов-вов! Ҳаммалигининг, айниқса уй бекаси Кобелина Волфнинг жони-дилиман. Мендан ҳеч нарсани аямайди...

— Вой-бўй! Мен ҳам шу ерда қолсам қандоқ бўларкин, кўппаквой? Биргалашиб мазза қилиб юрардик...

— Марҳамат, гарчи авзойинг бузуқ, жиндай ножинс хилидансан-у, сенга раҳм-шафқат юзасидан катта хўжайин ёки бекам билан гаплашиб бера қолай. Аҳволинг кўп ночор кўринади, биродар. Уларнинг шартига кўнсанг, бас. Йўқ дейишмас. Кабелина хонимнинг кўйнига қўл солиб кўрай-чи...

— Қанақа шарт экан, ирр?..

— Э, арзимаган нарса: бўйнингга мана меникидай чиройли занжир солишадию, ҳув анови бурчакка боғлаб қўйишади. Тез орада кўникиб ҳам қоласан — вов-вов-вов!

— А? Занжир?! Боғлаб қўяди?!!! Иррр!... Аттанг, шуниси менга тўғри келмас экан, биродари Кўппакий. Занжир-панжиринг ўзингга сийлов. Ораста қорним тўқ бўлиб бу олтин қафасда диққинафас қамалиб ётгандан кўра, ўлганим яхши. Оч-юпун бўлсам-да, саҳрома-саҳро, чўлма-чўл, дашту-биёбонларда шамолдай эркин кезиб юрганим минг чандон ортиқ! — дебдию, қашқир жон ҳолатда қўрғон деворидан бир сакраб, ўзини кенг далага урибди...

Қизил мустабид салтанатнинг кишанларини соғиниб, ҳамон совуқ шамол тарафдан «нажот» кутиб ётган баъзи қоринбойларни учратганимда:

— Ҳей, ҳеч бўлмаса анови Бўридан ибрат олсанг-чи, одамзод! — деворгим келади-да баъзан...

### ЖОДА

**(Бир сўзнинг тарихи)**

Раҳматлик дадам мулла Тожи ниҳоятда нозиктабъ, инжиқ киши эдилар. Уйимизга келган меҳмонлар, айниқса ўқимишли жамоа, уламолар ул зотнинг раъйига қараб, зириллаб туришарди. Мабодо битта-яримта қори Қуръон тиловатида сўздами, талаффуздами, қироатдами бирон сакталикка йўл қўйса, роса таъзирини ерди. Ҳовлимизда деярли ой сайин ҳар хил диний маросимлар, мушкулкушот, худойи, хатми Қуръон бўлиб турарди. Қиблагоҳ даврада ўтирганларга панд-насиҳат берар эканлар, жуда ноёб бир сўзни қўллардилар: жода! Бу нима эканини мен муштдай болакайгина эмас, назаримда, кўпчилик катталар ҳам билишмасди.

Жода!

...Одамлар кеч пайти бизникига маъракага йиғилишаркан, бирон юмуш билан узрли-узрсиз кечикиб келганларга остона ёнида туриб дашном берардилар. Тайин қилинган вақтга дақиқама-дақиқа етиб келмаганлар балога қоларди. Соҳиби хонадон уларни сазойи қиларди. Буни жуда жиддий одобсизлик деб билларди. Шу боис бирон жойда ушланиб қолганлар гапни тавба-тазаррудан бошлашарди.. Ниҳоят, ҳамма (80—100 киши) кенг меҳмонхонамизга жамулжам бўлгач,асосий «сабоқ» бошланарди:

— Ҳой Мамарайим! Ҳе сени қара! Жодангни бил. Тур, Йўлдошвойнинг ёнига бориб ўтир. Сиз Ҳафиз оқсоқол, ҳув анови жойга, мулла Мизом ҳожининг ёнига ўтинг... Ҳамма ўз ўрнини билсин.

Тўрга ўтганларга-ку мазза, деб ўйлардим мен болакай. Аммо пойгакка тушганларга яхши бўлмади-да.

Мен учун меҳмон-мезбон муносабатларининг энг қалтис дамлари шу эди. Ажибки, дийдаси қотиб қолганми дейман, одамлар чурқ этмай дадамнинг ўктамлигини кўтарар, амрини сўзсиз бажаришарди. Ул киши кўп дастурхондор бўлиб, маърака тартиб-қоидаларини пухта билардилар. Боягидай, озгина бесаранжомлик, ўрин алмашишлар ва «жода» хусусидаги аччиқ танбеҳлардан сўнг, ҳаммаёқ саранжом бўларди.

Ўша вақтларда камина — мактаб ўқувчиси, пионер ёки комсомол болага жуда алам қиларди. Мен падаримнинг ишларидан ғоятда озурда бўлардим. «Ҳе, ўша жода-подангдан ўргилдим, — деб ўйлардим ўзимча. — Ҳозирги замонда барчанинг ҳуқуқи тенг. Қаерда хоҳласа ўтираверади-да. Шунга ҳам ота гўри-қозихонами? Нима ишинг бор? У замонлар ўтиб кетди... Бу бориб турган маданиятсизлик. Балким ҳар бир кимсанинг ўтирадиган ўрнини номерлаб қўйиш ҳам керакдир?! «Бу мулла Ғафур хўжанинг ўрни; бу ерга қори Соли ўтиради; мана буниси — Салом бойваччаники» қабилида... Ол-а!» Ўшанда мен думбулвой қаёқдан ҳам билайки...Жамият бу дастлаб тартиб-интизом, одоб-ахлоқ ва унда ҳар бир шахснинг ўз ўрни бўлиши керак экан. Нафсиламр, инсон ҳайвондан ўз ўрнини билиши билан фарқланаркан. Инчунун, подада юрган мол қаторда ўз ўрнини билмайди, албатта. Қаердаки кўкат мўл бўлса — ўша ёққа ўтлаб кетаверади... инсон бўлса... Инсон одамлар орасида ўзига муносиб ўринни топиб, ўз қадр-қимматини англаган ондан бошлаб инсон. Турган гап, одатда, жамоат жойларида ўринлар ҳар бир кишига махсус тайинлаб қўйилмайди. Аммо ҳар ким фаҳм-фаросати билан ўз ўрнини ўзи билиши, ҳис этиши лозим. Хуллас, ҳар бир киши, ортиқча мулозаматсиз, ўз ёши, илми, мартабасига қараб сафдан ўрин танламоғи даркор. Бу ерда, ҳарбийларда бўлгани сингари, фақат бўй-бастига қараб қаторга тизилмайдилар.

Ҳозирги вақтда «жода» атамасини деярли ҳеч ким билмайди. Сабаби маълум. «Қулоқ» қилинган. Ўша қизил жоҳилият даврида, жуда кўп шарқона ахлоқ-одоб, қоида ва таомиллар қатори, жода ҳам унутилган. Янги луғатларимизнинг биронтасида, минглаб бошқа атамалар қатори, мазкур калима ҳам қайд этилмаган. Фақат Алишер Навоий луғатларида учратамиз: жода — йўл, йўриқ, қоида, низом, тартиб. (Овруповий алфозларда «субординатсия» дейишади).

### САВОЛГА — САВОЛ

Мендан сўрайдилар: — Рус-байналмилал сўзларини улар рус-байналмилал сўзлар бўлгани учун ўзбек тили таркибидан сиқиб чиқазиш керакми?

Мен саволга савол билан жавоб бераман:

— Ундоқ бўлса, арабча-форсча сўзларни улар араб-форс манбаларидан олингани учун тилимиздан сиқиб чиқариш лозиммиди? Умуман, тилимиз табиатига ёт бўлган бирон нарсани сиқиб чиқазиш ҳам, сиқиб киритиш ҳам жоиз эмас.

### АЙЛАНИШ

Мунофиқлик ва риёкорлик чиркин ахлоқий иллат. Ажабки, инсон зоти руҳан алданишга мойил. Айтайлик, бир рост гапга кишиларни ишонтириш баъзан амри маҳол. Лекин ақл бовар қилмайдиган, қуракда турмайдиган ғирт ёлғонга анойи одамлар ишонади-қўяди. Нафақат ўзгаларни, рўй-рост ўзини-ўзи лақиллатиб юрганлар ҳам сон минг...

Ҳозир Ер ўз ўқи ва Қуёш атофида айланишини жумлайи жаҳон билади. Бунга ишонмайдиган одам бўлмаса керак. Замонларки, худди шу оддий ҳақиқат учун италиялик олим Галилео Галилейни (1564—1642) мутаассиб насроний дин пешволари... дорга осишган. Мислсиз азоб-уқубатлар остида олимнинг тилини тийишга мажбур қилганлар. Қарангки... дор остида ҳам Галилей, жони узилиш олдидан:

— Барибир у айланади! — деган.

# Ёнаман: на тутун, на кул

### АЖАБ...

Замондан ортда қолганларни урадилар. Замон билан баравар қадам ташлаганлар, аксарият дориламон яшайди. Замондан ўзиб кетганларни эса ўша замоннинг ўзи жазолайди.

### БИЛСА ҲАЗИЛ, БИЛМАСА ЧИН

Камина пул ушлашни умр бўйи эплаёлмадим. Ҳисоб-китобга нўноқлар тоифасиданман. Ҳар гал уйга маош олиб келганимда, бир хил дашном эшитавериб, бетим қотиб кетган. Рафиқам Шаҳрибону сарпа-сариштасизлигимдан фиғони фалакка кўтарилади.

— Вой, худойим-ей! Дадажониси, чўнтакларингиздан пулларингиз чиқиб турибди-я. Ким билсин қанчаси кўча-кўйларда тушиб қолган экан...

Кошки менга гап таъсир қилса. Ҳотами Той сингари тутаман ўзимни. Жавобим тайёр:

— Менинг қўнжимдан ул-бул нарсалар тўкилиб турмаса, бўлмас! Бировлар йўқотади, бошқалар топади-да...

### МЕЪЁР

Бировни ошириб-тошириб мақташ уни ортиқ даражада ерга уришдай гап. Ҳар иккаласида ҳам меъёр бузилади.

### ОФАТ

Керагидан ортиқ билинган нарса, охир оқибатда, одамзод наслига офият эмас, офат келтиради.

### РИЁ

Мен баъзи бировларнинг ширин-шакар сўзларини тинглар эканман, уларнинг кўзларига қараб туриб, ўзимни маънавий ўлимга маҳкум этилган маҳбусдай сезаман. Ич-ичимдан эзиламан: улар шафқатсизларча алдаяпман, деб ўйлайдилар. Ё Ғавсул Аъзам! Кошкийди бу ҳамду санолар замирида зиғирдай самимият бўлса, риё балқиб турмаса, заҳарли ҳасад тиғларининг ўткир панжалари мажруҳ бағримни тилкапора қилмаса. Билишмайдики, улар чиндан-да алдаяптилар. Кимни? Ўзларини-да. Аттанг. Тағинам бу нокасларга раҳмим келади. Ўзимизникилар-ку, дейман. Ўзимизникилар! Таскин қидираман ва топган ҳам бўламан. Мунофиқлик қилиш уларга ҳам осонмасдир, ахир. Шўрликлар изза тортмасин деб, ўлганимнинг кунидан «артистлик» қиламан. Ўзимни овсар, тўпори, содалавҳ, лақма, анойи қилиб кўрсатишга мажбурман. Сезганимни сезиб қолишса хафа бўлишмасин деб. «Эҳ, буқаламунлар!.. Наҳотки сезмасангиз — сиз мени пуфлаб осмони фалакка кўтараётганингизда мен белимгача ернинг қаърига чўкиб кетаётганимни!.. Ҳозир мен сизга кераkман, ихтиёрингиздаман. Ёрилиб кетганим қадар шишираверинг. Эртага, оёқ-қўлларим фалаж бўлиб, шифтга термулиб қолганимда мен сизларни қаёқдан топаман? А? «Ғойибистон» мулкидан дейсизми? Бас, риёни тўхтатинг».

Сўзларимга ишонманг, азизлар. Барибир, мен бу гапни айтишга ожизман. Соқов, кар ва басирман. Шундан яхшиси йўқ, мен сизга айтсам. Гапирмайман, эшитмайман, кўрмайман.Менга тилёғламалик қилаётганингизда эҳтиёт бўлинг, раҳмингиз келсин, бўталарим! — деб огоҳлантиришга ўзимда мажол ва журъат тополмайман.

### ТАХАЙЮЛОТ

Шундай бир гипотезани илгари сураман — замони келади: бир томчи қонга қараб, кишининг сиймоси, ёши, тийнату сажияси, жинси, миллати ва ҳоказоларни аниқлашнинг иложи топилади. Чунки томчи қонда шахснинг бутун борлиғи, вужуди, қолипи ва салоҳияти яширинган, аксланган бўлади. Эҳтимол, томчи кўз ёшига қараб, асаб тизимига дахлдор зарур маълумотларни ҳам билиб олса бўлар. Балким бир томчи тер тери ости безларининггина эмас, юракнинг ҳолатидан аниқ далолат берар...

Ким билсин, бу гаплар дунёнинг қайсидир бурчакларида аллақачон «гипотеза» бўлмай ҳам қолгандир!

### БУҚАЛАМУН

Эй дунёи буқаламун! Бирам жилвадорсанки... Гоҳида ҳақ сўзинг билан тоғу тошларни қоқ ёрасан, тап-тақир ерда гул ундирасан... Бир қарабсанки, ФИЛни сичқонга тиз чўктирасан, еру кўкни ларзага соласан, денгизларни чўлу саҳрога айлантириб, бир томчи сувга зор қиласан. Бирда меҳрибон волидам янглиғ бошимни силайсан, бирда уриб бошимни ёрасан... Бир қарашда ҳозиқсан, бир қарашда мунофиқ... Намунча нозик адосан, намунча ғариб гадосан, намунча ғаддор, бадкору бадкирдорсан... Басирларга рўшнолик бағишлайсан, кўрар кўзларни кўр қиласан. Энг моҳир мусаввир турқу тароватингни ўзининг қил-қаламида ҳам тўла ифодалай билмас.

## 2. ОДАМЛАР

### СЕН

Гарчи сен ўша сенсан, лекин сен эмассан. Ҳаётингнинг турли паллаларида сен «ўша-ўша сен» бўлолмайсан. Ҳар қандай ҳолда ҳам «бултурги Эшмат бўлиб қолишинг амри маҳол. Ҳар бир инсон туғилиб, дунёни таний бошлар экан, уни ўзи учун кашф этади. Дунё ҳам уни янгидан кашф этгани сингари. Бояги дилбар бир қўшиқда айтиладику:

— *Бул ўзи эски дутордир, аммо навоси ўзгача...*

### ҚИЛИҚ

Инсон бўлсанг, инсоний қилиқ қил.

### ИСБОТ

«Ҳайвон эмаслигингга даъвогар бўлсанг, инсон эканлигингни исбот қил (Убайд Зоконий).



### ?!

«Ҳайвонлар ҳам бизга қараб: ие, баний одам деганлари ҳали шуми? деб ўйлашармикан? (Станислав Ежи Летс).

### ДИЛ

Ўзгаларнинг қаблига тилинг билан эмас, дилинг билан кир.

### МОНАНДЛИК

Ҳаммага ўхшаган одам ўзига ўхшамайди. Толеъ шулким, ўзингга ўхшасанг.

### РАДДИЯ

Инсон қорамол эмаски, нуқул қорин ташвиши билан яшаса. Агар шундай бўлганида, бош, қорин, кўкрак қафаси, ички ва таносил аъзоларининг ўрни алмашиб турган бўларди...

### БОҚИМАНДАЛИК

Биров ёпган нонни ейиш, биров айтган қўшиқни тинглаш, биров соққан сутни ичиш ҳар кимнинг қўлидан келади. Ўзларидан сўрасак?..

### ЗИДДИЯТ

Ё Одам сафиуллоҳ! Бунчалар буюк ва майда, тўқмижоз ва тамагир, сахий ва суқ бўлмаса сизнинг қавмингиз! Гоҳо ўз қудратида — ожиз, зукколигида — басир, марду майдонлигида — қўрқоқ, донишмандлигида — нотавон...

### МАСОФА

Дунёнинг ишлари хўп қизиқ. Баъзи одамлар бир-бирларига янада яқинлашишлари учун гоҳо бир-бирларидан ўзоқлашишлари ҳам керакка ўхшайди. Ана шунда улар бир-бирларининг исларини, шевасини, аъмолларини соғинадилар. Кимни ва нимани йўқотганини англайди. Бир-бирларига талпина бошлайди...

### ҚУРБ

Бир киши Теша бобога дебди:

— Тақсир, буюринг, ҳамма иш қўлимдан келади!..

— Шундайми? Йўғ-е...

— Баҳузур айтаверсинлар.

— Ҳай, ундай бўлса, ҳув анови жойга бориб, бир тоғора сомондан бир коса сут тайёрланг.Кўнглим сут ичишни тусаяпти.

— Ие... Сигир эмасман-ку мен. Бу иш қўлимдан келмайди, ҳазрат, — бўйин товлабди ҳалиги одам.

— Ҳай, ундай бўлса, бир сават тут баргидан ипак матоҳ тўқиб бера қолинг. Давлатингиз соясида ипак чакмон кийиб юрайин.

— Ана холос! Мен сизга қурт эмасманки, тут баргидан ипак тўқисам. Бу иш қўлимдан келмайди, — дебди «ҳожатбарор».

— Баракалла. Қандай юмушга ярайсиз ўзи? Бир говмиш ё ипак куртичалик қурбингиз йўқ экану, «ҳамма иш қўлимдан келади» деб даъво қиласиз. Минбаъд кибрланманг, — панд берибдилар Бобо.

### СУВ

Баъзиларимиз бир-биримизнинг тагимизга сув қуймасак, туролмаймиз. Чўллаб қоламиз.

### ГУСТОҲЛИК

Инсоснларким, Кўҳи Қофнинг нариги чеккасида дард-алам чекаётган мазлумларни ўйлаб нола-афғон чекадурлар, ёқа чок этадурлар, мотам тутадурлар. Войдод-вовайло, бу нечук густоҳликким, сен, норасо, мардум билан ёнма-ён яшайсану, уни кўрмайсан, кўролмайсан! Кўзи ожиз банда эмас, қалби сўқир нотавон одам интиҳоий бадбахтдир.

### ЛОҚАЙДЛИК

Тирик жон борки, ўзини унутилган, ёлғиз, ташландиқ, кераксиз деб ҳис эта бошлаган чоғидан эътиборан ўзини «ортиқча киши» деб тушунади. Ич-ичидан зил кетади, чирийди. У ўлимга маҳкум. Қутқаринг уни! Одамкушликка бепарво бўлманг. Лоқайдлик — жиноят. Унутманг: қанчадан-қанча ҳазрати инсонлар сизнинг пойи қадамингизга, бир оғизгина ширин сўзингизга муҳтож. Шуни ҳам улардан дариғ тутманг.

### ФУРСАТ

Ҳаёт оқар дарё... Дам ғанимат. Ҳазрати Одамни зиёрат қил. Ожизларга кўмаклаш. Эртага дейсанми? Эртага... кеч бўлиши мумкин. Агар бугун ҳам кеч бўлмаган бўлса...

### АЧИТҚИ

Инсоннинг буюклигию шарифлиги зуваласига ожизлик ачитқиси ҳам қўшиб йўғрилган.

### ҚАДРИЯТ

Ҳаётнинг нима эканини ўлимга маҳкум этилган кишидан кўра чуқурроқ ҳис этадиган ҳилқат бўлмаса керак. Ватан қадрини Ватанидан мосуво этилган киши яхшироқ туяди.

### ДИҚҚАТ!

Бирон киши билан гаплашмоқчи бўлсанг, шундай бир тилда гаплашгилки, то гаплашгунингга қадар у сенга душман бўлса, дўстга айлансин, илло дўст бўлса, душманга айланиб қолмасин.

•

### МУВОЗАНАТ

— Дунёда ким кўп? Яхши одамларми ёки ёмонлар? — деб сўрайдилар мендан. Мен дейман:

— Умр бўйи санаб адоғига етмадим... Фосиқлар кўп бўлганида, руҳий мувозанат бузилиб, она замин ағдарилиб бўларди... Ер силкинишлари, зилзилалар бекорга содир бўлади дейсизми? Бовужуд: дунё яхшиларнинг елкасида туради. Шуниси борки, ёмон битта бўлса ҳам — кўп, яхши мингта бўлса ҳам — кам.

## 3. МАНТИҚ

### ПАНОҲ

Аллоҳ Воҳид. Биру бор. Аммо У ўзининг ёлғизлигидан ўксинмайди. Илло воҳидлик фақат аллоҳнинг ўзига ярашади. Инсон ҳеч қачон ўзини унутилган, ташландиқ, кераксиз ва танҳо деб ҳис этмаслиги керак. Унинг Парвардигори бор. Худо ўзининг ҳеч бир бандасини ташлаб қўймайди. Биз Аллоҳ билан бирга эканмиз, аллоҳ ҳамма вақт биз билан бирга. Бандаси доим Унинг паноҳидадир.

### ШУКРОНАЛИК

Куфр қилмай десангиз — шукр қилинг.

### ЗИЁ

Томчида Қуёш акс этади. Қанчалар оддий, қанчалар ҳайратомуз! Ҳар бир инсон баайни ўзи бир зарраю, ўзи бир Қуёш. Аллоҳ таоло ва таборак яратган мўъжиза. Унинг мавжудлигини рад этиб бўлмайдиган далил ва кафолат. Бинобарин, у ўзидан нур таратмоғи ва ўзида нурни акс эттирмоғи лозим.

### ИНСОН

Мен инсонда миллатни эмас, миллатда инсонни ҳурмат қиламан.

### НЕКБИНЛИК

Ўзини яхши кўрмаган одам яхши одам эмас. Чунки ўзини яхши кўрмаган одам ўзгани ҳам яхши кўрмас.

### ТУБАНЛИК

Бошқаларни пастга тортаётган одам ўзи ернинг қаърига кириб кетаётганини сезмайди...

### КЎТАРИЛИШ

Юксалишни истасанг, бошқаларни кўтар...

### ЖАҲОЛАТ

Олимнинг жоҳиллиги нимаю, жоҳилнинг олимлиги нима.

### БУКУР

Воажаб: букри киши ўз букурлигининг тузалишидан кўра, барча одамларнинг букри бўлишини орзу қиларкан. Э-ҳа... Шунинг учун «букрини гўр тузатади», дер эканлар-да.

### ДУШМАН

Биров сенга душман бўлиши учун сен унга душман бўлишинг шарт эмас.

### БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Билмаслик гарчи айб эмас, илло фазилат ҳам эмас.

### БУЗҒУНЧИЛИК

Тил бизни тарбиялайди. Биз уни бузамиз.

### МАСЛАҲАТ

Ёмоннинг ёмонлигини гапиргандан кўра, яхшининг яхшилигини гапириш яхши.

### КИМНИКИ?

Бир одам дебди:

— Бу ер — меники!

Иккинчиси даъво қилибди:

— Йўқ меники!!

Ер дебди:

— Ҳар иккаловинг ҳам меники.

**Ғайбулло АС-САЛОМ**

---

*Кўнгилдан лавҳа*

# ҚЎШИҚ ТИНГЛАНГ...

Мана, ҳаётимизнинг яна бир куни ўтиб бормоқда. Эрта тонгдан олдингизга қўйган режаларингизни бажаришга киришар экансиз, бошингизда минг хил фикр чарх уради. Ҳа, ҳаёт жуда мураккаб. Кун бўйи бизни нималар кутаяпти. Буни олдиндан билишнинг ҳечам иложи йўқ. Кундалик ҳаёт оқимига кирарканмиз, кутилмаган ҳолларда кимлардир дилимизни оғритади, кимлардир оғриган дилимизга малҳам бўлгиси келади.

Қўшиқ тингланг! У қўшиқ сиз ёқтирган хонанда ижросида, ўша оғриқ дилларига малҳам бўлаётган яхшилар ҳақида бўлса янада яхши. Хаёлингизни ташвишли ўйлардан холи қилиб, кўнглингиз тусаган самимиятли инсонлар билан суҳбат қуришга интилинг. Ширин қўшиқ оғушида фақат яхшиларни ўйланг...

Қўшиқ тиншланг! У борлиқни, она табиатни куйласин. Умр бир лаҳзалик эканлигини, ўша бир лаҳзада гўзалликдан баҳра олишни сизга уқтирсин. Ғийбат, фисқ-фасодлардан эътиборингизни йироқ қилиб, эзгу ишларга ундасин сизни..

Қўшиқ тингланг! У сизга қувонч ато этсин. Инсон кайфиятининг аълолиги, — кун бўйи қилинажак ишларнинг салмоғига ва умрнинг узайишига мезондир. Бу кайфиятга иродаси ожиз кишининг эришиши жуда қийин. Чунки улар таъсирчан бўлишади. Уларга арзимаган гаплар ҳам тегиб кетаверади. Аммо атрофдаги салбий ҳодисаларни ижобий воқеалардан паст қўйиб ёндошишда сизга қўшиқ, ҳа-ҳа, фақат қўшиқ ҳамроҳ бўла олади. Тўғри, одамийлик зарур хислат. аммо ўзингизни ўзингиз асрамоғингиз ҳам даркор-ку! Сизни орзу-армонларингиз ушалмоғида асабингиз керак ҳали! Ҳалол ишлаб, топган тутганингизни йиғиб-териб, фарзандларингизга тўйлар қиласиз, ўшанда ўша сиз ёқтирган қўшиқлар жаранглайди.

Қўшиқ тингланг! У сизда яшашга иштиёқ уйғотади. Сиз кўпинча вақтни тезлаштиришга ҳаракат қиласиз. Соат миллари шуноғам чиқ-чиқлаб, сизу биз билмаган ҳолда умримизни пинҳона сарҳисоб қилмоқда..

Қўшиқ тингланг! У сизга ғайрат , куч-қувват бахш этади. Дилингизни эса мусаффо қилади. Сиз, бахтиёр ва бахтли яшашга ҳақлисиз!

Қўшиқ тингланг!..

**Озод КАРИМОВ**

---

# ФИДОЙИЛАРДАН БИРИ

Кундузги чоп-чоплар, елибюгуришлардан ҳориб, оқшом бир муддат тин олар палла нечукдир ҳафсала қилиб бирон бир китобни эринибгина варақларканмиз, дейлик, шоирнинг « — Ишла! — Нима учун? — Югур! — Нимага?.. — Телевизор керак! Машина! Буюм! — Бир йилки боқмадим тўйиб дунёга...» янглиғ ўтли мисраларига кўзимиз тушаркан, беихтиёр дилда армонга ўхшаш бир нима уйғонади. Ва ёинки устод А. Қаҳҳорнинг агар мозийга дахлдор эрса, ҳатто тақани ҳам қозиққа илиб қўювчи гуржилар ҳақидаги қайдларини ўқирканмиз, ватанпарварлигимиз кўзиб кетиб, биздаям шундоқ фидойи инсонлар бормикан, деган ўй пайдо бўлади кўнгилда.

Ва, шукрлар бўлсинки, бундоқ инсонлар юртимизда бисёр экан.

Шуларда бири Салтанат опа Сиддиқова.

Салтанат опа пойтахтимизнинг қоқ марказида, А. Икромов туманидаги 14-мавзеда истиқомат қилади. Тўғри, у кишининг хонадонини топиб олиш аввалига бирмунча мушкуллик туғдириши мумкин, зеро, 1-уй мавзенинг бу бошида бўлгани ҳолда, рақам етишмай қолгани боисми, «1-А» деган ёрлиқ осган опанинг уйи мавзенинг нариги бошида жойлашган... Ҳар қалай, топса бўлади, илло, шаҳарда «С палон, корпус пистон, блок писмадон» сингари уйлар ҳам борки, қидирган одам то бу «шифрланган» хонадонни топгунча адойи тамом бўлади...

Салтанат опа «Қаҳрамон она», 11 фарзанд туққан, аммо... 12 та фарзандни оқ ювиб, оқ тараб тарбиялаган. Опа кўп йиллар давомида пойтахт вилояти туманларида деҳқончилик қилган: аввал чопиқчи бўлиб ишлаган, сўнг тракторчи... Фақат опа эсли-ҳушли аёл сифатида ўзига қарашни ҳам унутмаган, «Турсуной бўлай дейман...» дея ўзини ўтга-чўққа, айниқса химикатларга урavермаган. Бўш қолди дегунча аёл кишига ярашиғли юмушларга овунган, чунончи чилдирмани сайратиб лапар айтган, қўшиқ тўқиган, алла битган... Худо бу томондан ҳам иқтидор ато этган экан бора-бора опа бу соҳада элнинг, таниқли санъаткорларнинг назарига тушган. Опанинг хонадонида М. Турғунбоева, Ҳ. Носирова, Г. Раҳимова, К. Исмоилова, Тамарахоним сингари санъатимиз намояндалари тез-тез меҳмон бўлиб туришган, биргаликда қўшиқ айтишган, рақс тушишган.

Бу орада опа келин туширди, қиз чиқарди, оз эмас, нақ қирқдан ортиқ невараниҳг суюкли бувижонисига айланди.

Энди опа... юрса бўларди маҳаллама-маҳалла, қайвони бўлиб.



Йўқ, тиниб-тинчимас опа яна бир эзгу ишга қўл урди. Опа халқ ижоди ва маданий-маърифий ишлар республика Маркази қошида «Камалак» оилавий фолклор-этнографик дастаси ташкил этди ва ўзи унга раҳбарлик қила бошлади. Салтанат опага фарзандлару невaралар, беш миллат вакили бўлган келинлар имкон қадар кўмак бериб туришди. Натижада, тез орада жумҳурият миқёсида ўтказилган танловларда ғолиб чиққан «Камалак» хорижга ҳам йўл олди. 1994 йил Туркияда Наврўз байрамига бағишлаб халқаро танлов ўтказилди. Унда иштирок этган «Камалак» оилавий фолклор этнографик дастаси ўз миллий либослари, лапарлари, ёр-ёрлари ва келин саломлари билан иштирокчиларни ҳайратга солди ва ҳақли равишда биринчи ўринни эгаллаб қайтди.

Айни кунларда Салтанат опа бошқараётган «Камалак» дастасини туманда яхши билишади. Чунки «Камалак» деярли ҳар бир маҳаллада бўлиб, чиқишлари билан кўпчиликни мамнун этиб юради.

Бироқ Салтанат опа эришган муваффақиятлари билан чекланиб қоладиганлардан эмас.

Опа энди хонадонида... музей ташкил этди! Яна денг, миллий ҳунармандчилик буюмлари музейи. Опа қирқ йил давомида эринмасдан, республикамизнинг турли бурчакларидан битталаб йиққан буюмларини бир амаллаб салгина кенгайтиролган ўз хонадонида намойиш эта бошлади.

Уй-музей унчалик катта эмас. Айвон ҳовлига томон кенгайтирилган, буюмларнинг бир қисми эса шундоқ меҳмонхонага жойлаштирилган. Булардан ҳам ортиб қолгани ҳозирча ҳовлида очиқ ҳавода турибди. Бу қимматбаҳо буюмларнинг устини ёпиб, уларни қор-ёмғирдан, жазирама иссиқдан сақлашга опанинг қўли калталик қилиб турибди...

Опа музейидаги ҳар бир буюмни эринмай тушунтиради. Уни қаердан топиб келганлигини ҳам унутмайди. Тарихимизнинг тилсиз шоҳидлари бўлган ушбу буюмлар кўпчиликда қизиқиш уйғотиши шубҳасиз. Бу ерда бешикдан тортиб чархгача, кўзадан тортиб мешгача, дастшўйдан тортиб кашкулгача, Соҳибқирон Амир Темур даврида ишлатилган ажойиб чироқдан тортиб дубулғагача, ниқобдан тортиб кумуш патнисгача... учратиш мумкин. Қизиғи шундаки, опа ҳар бир буюмни номма-ном санаб беради, уни, айтайлик, қайси хон, қай мақсадда ишлатганига қадар тўлиқ маълумот беради.

Устоз Асқад Мухторнинг яхши ҳикояси бор. Унинг сарлавҳасини келтириб ўтирмайлик, фақат воқеа шулки, нафақага чиққан ўқитувчи ховлидаги турли буюмларга уларнинг номлари, нима учун ишлатилиши ёзилган қоғоз — маълумотнома ёпиштириб чиқа бошлайди. Табиийки, одамлар уни дарров жиннига чиқаришади... Опанинг куйиб-пишиб тушунтиришларини эшитарканман, хаёлимдан қайта-қайта устознинг ўша қаҳрамони ўтди...

Хуллас, Тошкентнинг қоқ марказида жойлашган ўй-музейда бўлсангиз, ютқазмайсиз, бир муддат мозийга саёҳат қилиб қайтгандек ҳис қиласиз ўзингизни. Салтанат опа Сиддиқова эса музейни, ўзини йўқлаб келган меҳмонларни мудом қучоқ очиб кутиб олади.

Хайрлашар маҳалимиз, опа чилдирмасини сайратиб, янги лапарларидан бир жуфтини айтиб берди:

*... Баҳоуддин Нақшбанд,*
*Амир Темур, Бобурлар*
*Сизларнинг номингизни*
*дилда асрар авлодлар.*
*Кўп йилларки ғафлатда*
*тилга олмадик сизни,*
*Ниҳоят яхши кунга*
*Аллоҳ етказди бизни...*

**Г. МУРОДАЛИЕВА**

# ТИРИКЛАРГА САБОҚ

**Ҳурматли муҳаррир!**

Авваламбор, рўзноманинг 7-сонида босилган фахрий Н. Усмоновнинг «Савиясиз одоб ва маданият бўлмайди» сарлавҳали мақоласида кўтарилган мавзу бўйича фикр билдириш имкони учун миннатдорчилик изҳор қиламиз.

Мурдаларни текшириш ҳурматли Ҳожи Аҳмаджон Бобомурод ёзганларидек («Ислом одоби ва маданияти», Тошкент, Чўлпон нашриёти, 1995 й.) «совет тузумидан мерос бўлиб» (75-бет) қолмаган, балки қадим даврлардан бошланган. Одамнинг тузилиши, унинг ҳаётида ҳар бир ички аъзонинг ўрни ва аҳамияти, самарали муолажа учун турли касалликларда вужудга келадиган ички ўзгаришларни ўрганиш ва билиш зарурати шифокорларни мазкур текширишларни ўтказишга ундаган.

Илмий табобатнинг мумтоз асосчиларидан бири Абу Али Ибн Сино касалликларни ўрганиш мақсадида мурдаларнинг текширувини ўтказган. Бу изланишлар натижасида ҳанузгача тиббиёт амалиётида ўз аҳамиятини йўқотмаган даволаш усулларини ишлаб чиққан. Айнан шу маълумотлар машҳур олимнинг 1020 йилда нашр этилган «Тиб қонунлари» асарининг асосини ташкил қилган. Ушбу асар кўп асрлар давомида жаҳондаги барча шифокорлар учун дарслик бўлиб келган.

Мурдаларни текшириш билан боғлиқ бўлган мутахассислик, яъни патологик анатомия фундаментал фанлар гуруҳига кирган ҳолда, соғлиқни сақлаш амалиёти учун бениҳоя аҳамиятлидир. Зеро, унинг шифокорларнинг билим, савиясини оширишда, турли хил касалликларни, айниқса хавфли, юқумли касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва кенг тарқалиши олдини олишда тутган ўрнини алоҳида таъкидлаш лозим.

Рамзий маънода майитлар ҳамиша тирикларга сабоқ берган. Бу ўринда XII — XIII асрларда мурдаларни текшириш дин томонидан тақиқланганда, чечак, вабо, ўлат каби касалликлар кенг тарқалиб, баъзи мамлакатлар аҳолисини учдан икки қисмигача нобуд бўлганини эслатиб ўтиш жоиз.

Инсоннинг саломатлиги, ҳаётини сақлаш мақсадида қилинган фаолият Аллоҳга маъқул бўлса керак!

Мурдаларни текшириш билан боғлиқ бўлган яна бир мутахассислик — суд-тиббий экспертизасидир. Давлатимиз қонунларига мувофиқ мурдалар экспертизаси фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг талабига асосан ўтказилади ва у авваламбор, турли жиноят олдини олишга шубҳали ҳолларда одил судлов, адолатни таъминлашга қаратилган.

Экспертиза фаолиятини ислом динига қарши қўйишни тўғри деб бўлмайди. Жумладан, Б. Аҳмаджоннинг «Мўркка ғайри динлар ва охиратга ишонмайдиганларнинг ўликларини топшириб, мусулмонларнинг ўликларини, «ҳеч қандай даъвомиз йўқ», деб тилхат бериб, ёрдирмасдан олиб кетиш» ҳақидаги фикри изоҳ талаб қилмайди! Мазкур даъват Ўзбекистонда ҳуқуқий давлатни барпо этиш тамойилларига зиддир!

Хулоса қилганда, рўзномада кўтарилган масала долзарб бўлиб, унда маълум бир ечим талаб этадиган муаммолар бор ва улар мустақил Ўзбекистоннинг ривожи ва равнақи йўлида дин аҳли, ҳуқуқ—тартибот идоралари ва тиббиёт ходимлари томонидан ҳамжиҳатликда ҳал қилиниши мақсадига мувофиқдир.

**М. С. АБДУЛЛАХЎЖАЕВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бош патологоанатоми, Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор,**
**З. А. ҒИЁСОВ,**
**Вазирликнинг Бош суд-тиббий эксперти, тиббиёт фанлари доктори**

# ЭЗГУЛИККА ОШИЁН КЎНГИЛ

«Ҳақиқий муаллим учун аудитория — муқаддас жой. Масжидга таҳоратсиз, эътиқодсиз кириш мумкин бўлмаганидек, талабалар ҳузурига ҳам билимсиз, мақсадсиз қадам қўйиш гуноҳи азим». Бу сўзларни ёш муаллим Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжаевни илк маърузага йўллаётганда машҳур адабиётшунос олим Ғулом Каримов айтган эдилар.

Мана, 35 йилдирки, Ҳасанхўжа ўзи ўқиб, таълим олган мўътабар даргоҳ-Тошкент давлат университетининг ўзбек филологияси факултетида дарс беради. Ҳар сафар аудиторияга қадам қўяркан, устознинг ўгитини эслайди ўқитувчининг энг муқаддас бурчи-талаба қалбига йўл топиш. Ўнлаб илмга ташна нигоҳлар сендан янги фикр, янгича талқин, янги сўз кутади. Ўша умидлар рўёбга чиқса, муаллим талаба меҳрини қозонади. Ҳасанхўжа ана шундай саодатга муяссар бўлган муаллимлардан.

Ўзбек филологияси факултетида ўз ишининг моҳир усталари — ажойиб алломалар-Аюб Ғуломов, Натан Маллаев, Лазиз Қаюмов, Озод Шарафиддинов, Шавкат Раҳматуллаев, Ёқуб Ғуломов, Умарали Норматовлар дарс беришарди. Уларнинг маърузалари эшитган одамни сеҳрлаб қўярди. Ҳасанхўжа шу устодлар маҳоратини ўрганишга интилди.

Кунларнинг бирида Ҳасанхўжа кечки бўлимда Машраб ижоди ҳақида маъруза ўқиркан, аудиторияда мўлжалдан зиёд талабалар ўтирганини сезади. Дарс охирида гуруҳ бошлиғини чақириб, «Курсга янги талабалар қўшилдими?», деб сўрайди. «Домла, узр, қизларимиз ишхоналарига бориб маърузангиздан олган таассуротларини сўзлашган экан, дугоналари «домланинг дарсларига биз ҳам қатнашсак майлими?», деб сўрашибди. Мен рухсат берувдим», дебди ийманиб гуруҳ бошлиғи. Бундай воқеалар кўп бўлган.



Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжаев ўзбек мумтоз адабиётининг долзарб муаммолари — «Ўзбек мумтоз адабиётида наср», «Бобурнома», «Ўзбек-озарбойжон адабий алоқалари тарихидан», «Мумтоз шеъриятда санъатлар» бўйича махсус курслар ўқиди, семинар машғулотлари олиб борди.

Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжаев моҳир педагоггина эмас, иқтидорли, изланувчан тадқиқотчи сифатида ҳам илмий жамоатчиликка яхши таниш. Унинг «Фузулий ва ўзбек адабиёти» мавзуидаги мақолалари Ўзбекистондагина эмас, Озарбойжонда ҳам шуҳрат қозонган.

Фузулий ғазалиётига муҳаббат Ҳасанхўжа қалбига она алласи билан кирган. Волидалари Салтанат пошша Бобохўжа қизи Алишер Навоий, Сўфи Оллоёр, Машраб шеърларини кўп мутолаа қилардилар Аммо уларнинг хонадонларида Муҳаммад Сулаймон ўғли Фузулий ижоди алоҳида эъзозланарди. Устоз Ғулом Каримов тадқиқот учун мавзулар тавсия қилганларида Ҳасанхўжа ҳеч иккиланмай «Фузулий ва ўзбек адабиёти»ни танлади.

Ёш олим Фузулий ижоди бўйича ғоят машаққатли, самарали изланишлар олиб борди. Шоир ижодининг кўпчиликка номаълум қирраларини кашф қилди. Фузулий асарларининг Ўзбекистонда тарқалиши, шоирнинг Қўқон, Хоразм адабий муҳитидаги ижодкорларга таъсирини кўрсатди.

Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжаевнинг узоқ йиллик илмий ишлари самараси— «Фузулий ва ўзбек адабиёти» номзодлик диссертатсиясини 1972 йил 4 майда Тошкент давлат университети Илмий кенгашида муваффақият билан ҳимоя қилди. Таниқли олимлар Азизхон Қаюмов, Садир Эркинов ва бошқа адабиётшунослар тадқиқотни юксак баҳоладилар. Озарбойжон адиби ва олими Мир Жалол Пашаев «Фузулий ва ўзбек адабиёти» тадқиқоти Фузулийшуносликнинг улкан ютуғи» эканини таъкидлади.

Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжаев кейин ҳам Фузулий ижодининг долзарб муаммолари ҳақида қатор мақолалар эълон қилди. Шунингдек, Машраб ижодий мероси, Махмур, Фурқат шеърияти тўғрисида ҳам илмий ишлар олиб борди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодига бағишланган китобча эълон қилди. Шу кунларда эса олим Бобур шеърияти таҳлили билан банд.

Ҳасанхўжа табиатидаги ноёб хислатлардан яна бири — гўзалликка шайдолик. У санъат аҳли — шоирлар, ҳофизлар, созандалар давраларида бўлишни ёқтиради. Бундай нафосат мажлисларида шеър ва мусиқа ҳақида мусоҳабалар, мунозаралар бўлади. Биз — Ҳасанхўжанинг ҳамкасблари, дўстлари машҳур ҳофизлар Маъруфхўжа Баҳодиров, Орифхон Ҳотамов, Фаттоҳхон Мамадалиев, оташнафас ғазалхон Набихон Чустий, хассос мутафаккир шоир Эркин Воҳидовларнинг пурҳикмат суҳбатларидан кўп маротаба баҳраманд бўлганмиз. Ана шундай файзли давра суҳбатида Чустий домла Ҳасанхўжага бағишланган ғазални ўқиб берган эди.

***Анжуман тузди азизлар***
***илму дониш боғида,***
***Бу улуғ фан гулшани***
***яшнар ватан туфроғида.***
***Завқу шавқи бирла***
***булбуллар тараннум***
***айлашиб,***
***Очди мазмун ғунчасин***
***ҳар лаб очилган***
***чоғида.***
***Қолмади нодир***
***тафаккурнинг ипида***
***ҳеч тугун,***
***Аста-аста очдилар***
***ўткир билим***
***тирноғида.***
***Офарин, таҳсин,***
***тасанно бирла***
***табриклар хати***
***Бир ғазалдек***
***жилва берди***
***гулларин яфроғида.***
***Яъни эл кўрди***
***Ҳасанхўжа деган***
***бир номни***
***Эрку меҳнат,***
***бахту омаднинг***
***баланд байроғида.***
***Бор ишончим шубҳасиз***
***юксакка интилгай яна,***
***Сайд этар мақсадлар***
***оҳусин зафарлар***
***тоғида.***
***Ғайратингга офарин,***
***минг раҳмат,***
***устозингга деб,***
***Бу садо авж олди***
***минг-минг ёру дўст***
***ўртоғида.***
***Сут каби оппоқ дили,***
***оппоқ сочию навқирон,***
***Ҳиссасин кўрдим***
***татимли бу ҳаёт***
***қаймоғида.***
***Анжуманга бебаҳо***
***совға кетурди дўстлар,***
***Топганимни Чустий***
***келтирдим ғазал***
***белбоғида.***

Бугун ажойиб инсон, оилапарвар ота, муаллим ва олимни муътабар сана — 60 ёши билан муборакбод этарканмиз, қалбингиз эзгулик ва саодат нурларига ҳамиша ошиён бўлсин деймиз.

**Муҳсин ОЛИМОВ**

Барот БОЙҚОБИЛОВ

# ЭЛДИН ТОПДИМ БАХТИМ МАНО

## (Яссавийона)



Эй ёронлар, биродарлар,
Жонимга тенг-баробарлар,
Сўзга бермай зебу зарлар,
Ҳол дафтарин очдим мано.

Ўзига тинч хонадонда
Туғилибман саратонда,
Ҳаёт ишқи қайнаб қонда
Яшамакка шошдим мано.

Отам соҳиб карам эди,
Руҳоний бир одам эди,
Дўсту ёрга ҳамдам эди,
Тарбиясин олдим мано.

Онам меҳри дарё эди,
Бизга жони фидо эди.
Гапга чечан, доно эди,
Ақлига лол қолдим мано.

Кенагасда камол топдим.
Ургутнинг нон-тузин тотдим,
Самарқандда отлар чопдим,
Зарафшонни кечдим мано.

Дорилфунун кучоғида,
Илму фаннинг ўчоғида,
Ҳам шеърият чорбоғида
Оби ҳаёт ичдим мано.

устод Воҳид Абуллодан —
Назири йўқ алломадан,
Дарс олиб не уламодан
Тилсимотни очдим мано.

Шеъриятга ҳавас қўйдим.
Ватан ишқин жонга туйдим.
Тошга гўё гуллар ўйдим,
Ҳаловатдан кечдим мано.

Туркистонлик икки пирдан —
Ойбек билан Миртемирдан,
Имдод олиб Алишердан
Бургут каби учдим мано.

Сўнг Тошкентни ватан қилдим,
Тупроғини азиз билдим,
Эли билан йиғлаб-кулдим.
Қадр топдим Шошдин мано.

Шайх Қаффоли Шоший аъзам,
Шайх Хованди Таҳур аълам
Ёди ёқиб дилимга шамъ,
Зиёратга шошдим мано.

Шайхонтаҳур даҳасида,
Шаҳри азим каъбасида,
Улуғ шайхнинг паноҳида
Азиз макон топдим мано.

Эл қатори яшаб ўтдим,
Гоҳ сўлиб, гоҳ яшнаб ўтдим,
Гоҳ хурсанд, гоҳ қақшаб ўтдим,
Бағрим ерга босдим мано.

Умрим сувдек оқиб кетди,
Бир шамъ каби ёниб кетди,
Шодлик, ғамга қониб кетди,
Тоғу тошдин ошдим мано.

Ўнлаб асар рақам этдим,
Кипригимни қалам этдим,
Юргимга алам этдим,
Ўт чиқардим тошдин мано.

Дарё эдим — ирмоқ бўлдим,
Қилич эдим — ўроқ бўлдим,
Чинор эдим — тупроқ бўлдим,
Барқдай чақнаб ўчдим мано.

Ақлим эрта кирди, аммо,
Ақлсиздан чекдим жафо,
Нодонга тенг бўлмай асло,
Бир кемада суздим мано.

Аҳли айём бўлиб улфат,
Кўксин тутди — келса кулфат,
Гоҳ сийлаб, гоҳ хўрлаб қисмат,
Туркона соз туздим мано.

Пойга экан билсам ҳаёт,
Ҳамма қўйсам, дер экан от,
Бир кимсадан кутмай нажот,
Гоҳ қолиб, гоҳ ўздим мано.

Умр бўйи меҳнат қилдим,
Меҳнат аҳлин иззат қилдим,
Элу юртга хизмат қилдим,
Ишратгоҳни буздим мано.

Англай олмай одамларни,
Ўйлаб босдим қадамларни,
Ичга ютиб аламларни,
Инсон қадрин сездим мано.

Мен оламда кездим сарсон,
Гоҳ кўнгли хўб, гоҳо вайрон,
Бошим узра синиб гаврон,
Паноҳ излаб кездим мано.

Чин дунёмас - фоний дунё,
Инсон учун оний дунё,
Оний эмас — боқий дунё,
Сени билмай кетдим мано.

Аҳли замон аҳволини,
Гоҳ Номайи иқболини,
Гоҳ қисмати ишколини,
Котиб каби битдим мано.

Не муқаддас китоб кўрдим,
Китоб ичра хитоб кўрдим,
Фикратшумул офтоб кўрдим,
Кўзим узра тутдим мано,

Умрнинг тўрт фусулини,
Истиқомат усулини,
Эҳтиёжу фузулини
Сабр билан ўтдим мано.

Ҳар кунимни наврўз билдим,
Ҳар тунимни кундуз билдим,
Куни туним фируз билдим,
Эзгуликлар кутдим мано,

Савобига қўлни урдим,
Гуноҳ ишдан юзни бурдим,
Яхшиликда ўзни кўрдим,
Муродимга етдим мано,

Умр азал куну тундир,
Гоҳ шодлигу гоҳо мунгдир,
Гоҳ олову гоҳ тутундир,
Болу оғу ютдим мано,

Улус улуғ дарё экан,
Юргани кенг дунё экан,
Дунё каби бақо экан,
Бирга-бирга оқдим мано.

Кўнгли ярим фуқаронинг,
Жигари қон бечоранинг,
Ғам қўйида оворанинг
Дилига шамъ ёқдим мано,

Қалбимни тарк этмай умид.
Меҳрим ёниб мисли хуршид,
Аҳли ҳолдан излаб муршид,
Пир эшигин қоқдим мано.

Яссавийнинг ҳикматидан,
Оламшумул фикратидан,
Баҳра топиб ҳимматидан
Ҳаёт мағзин чақдим мано.

Худойимга бир бандаман,
Фуқарою арзандаман,
Арзандаю парвардаман,
Элдин топдим бахтим мано.

Аҳдга вафо — марднинг иши,
Аҳдин бузар номард киши,
Санчилса ҳам душман ниши,
Бузмадим ҳеч аҳдим мано,

Сўздан бўлак бисотим йўқ.
Не бисотим — абётим йўқ,
Сўз бўлмаса ҳаётим йўқ,
Сўздан қурдим қасрим мано.

Амал аҳли бўлса доно,
Банди қилмас кибру ҳаво,
Нодон бўлса - бошга бало,
Барчасини кўрдим мано.

Пок сақладим иймонимни,
Сотганим йўқ виждонимни,
Бузмадим аҳд-паймонимни,
Қадрладим қадрим мано.

Энди замон — ёшларники,
Азиз боши — тошларники,
Бизга кўзу қошларники,
Умид билан боқдим мано.

Мовароуннаҳр мамлакати,
Амир Темур салтанати,
Хожа Аҳрор шаън-шавкати
Олам аро фахрим мано.

Фақирликдир фахрим менинг,
Зарафшондир наҳрим менинг,
Самарқанддир шаҳрим менинг,
Ўзбекистон даҳрим мано.

**24-25 октябр, 1995**



*Миллий рақсда Шарқона фусун...*

# Севги борми ўзи?..

***... Ҳеч кимни оллойим менчалик севги азобига дучор этмасин. Ҳар куни қон йиғлайман. Қандай гуноҳларим эвазига мени сиздан узоқда яратди....***

Унинг сўнгги бор ёзган мактубидаги сатрларга кўз ёшлари, севги ёшлари тўкилган бўлса ажабмас. Мактубни ўқирканман, хаёлимни ҳар хил чалкаш фикрлар банд этади. Севги ўзи нима? У ўзи борми? Саволларимни дуч келган ёшларга айтаман, жавоб излайман.

— Бўлмаган гап! Мана, севиб нимаям орттирдим. Тавқи лаънатга қолдим. У бўлса юрибди бошқаси билан..

— Севгими? Бир қиз билан севишгандик. Ҳарбийдан қайтгунимча икки болалик бўлибди.

Тавба, дилимдаги гаплар ўрнига нолишлар, койинишлар. Ногоҳон кўзим яна ўша мактубга қадалади.

***.. Йигитлар кўзи билан, қизлар қулоғи билан севади дейишади. Мен ҳам ўшанда сизнинг ширин суҳбатларингизга маҳлиё бўлиб...***

**Йўқ, йўқ, сизни айбламоқчи эмасман. Парво қилманг. Саноқли кунлардан сўнг гўшангага киришимни ўйласам, юрагим орқага тортади.**

**Танимаган, билмаган йигит билан ҳаётий ҳамроҳ бўлмоқ...**

Мен битта йигитни танирдим. Мактаб пайтлариданоқ суйгани бор эди. Улардан бахтли инсонлар йўқ эди гўё. Йигит ҳарбий хизматга кетган куниёқ қиз бошқа совчиларга розилик берди. Севган йигити қон йиғлади.

Шунга ўхшаш яна бир мисол:

Севги оламида юрган худди шундай йигит ва қизнинг аҳду паймонлари бут эди. Йигит ҳарбий хизматга кетди. Хат ёзиб турди. Аммо, ўша ёқдан битта қизни етаклаб қайтиб келди.

Севган қиз қон йиғлади.

***... Кеча ярим кечада йиғлаётганимни эшитиб онам кирди хонамга. Не қилсаям она-да, қўшилиб йиғлади. Сўнгра «кўникиб кетарсан», дея олди, холос. Кўникиш...***

Инсон нималарга кўникмайди...

Бирга боғларни сайр қилган, дунёдаги жамики гўзалликлар ҳақида суҳбат қурган ҳамроҳингни йўқотиб қўйсанг. Бунга кўникиш учун... қанча тоқат керак?..

**... Хатим чўзилиб кетди чоғи. Сиздан фақат битта илтимосим шуки, энди мени эсламанг. Хат ёзманг. Ўзингизни асранг.**

**Мен эса тақдирга тан бердим. Энди фақат сиз бахтли яшанг деб яратгандан сўрайман...**

Ҳа, севги... Бундоқ қарасангиз, оддийгина, бир оғиз сўз. Аммо, севги нима ўзи, у борми? - деган саволни ҳар бир қалб эгаси, ҳар бир инсон ўзига бериб кўрсин-чи...

Жавоб топа олармикин?

**Ойбек ТИЛЛО**

# ИСМЛАР ХОСИЯТИ

Абдуллоҳ — Аллоҳнинг қули, бандаси.

Абдуллоазиз — Аллоҳнинг азиз қули, Азизнинг қули.

Мирабдулло — Аллоҳнинг пешволикка лойиқ қули.

Абдуллоёр — Аллоҳ ёр бўлган қул.

Абдуллахўжа — Аллоҳнинг жаноб қули.

Шоабдулло — Аллоҳ қулларининг шоҳи.

Шу ерда исмларимизда талаффуз этиладиган «Абд» қўшимчасига тушунтириш — изоҳ бериб ўтмак жоиздир.

Маълумки, ислом ақидасида инсон фарзанди фақат Аллоҳнинг қули, бандаси бўлиб, бошқа ҳеч қандай зотнинг қули, бандаси ҳисобланмайди. Шунинг учун «расул», «наби» сўзларига «абд», «абди» қўшимчаларини қўшиш ножоиз саналади. Зотан, пайғамбарнинг, элчининг қули, бандаси бўлмай, қуллигимиз фақат Аллоҳ олдидадир. Бироқ Муҳаммадрасул, Муҳаммаднаби деб аталса, айнан жоиздир. Шу боисдан ота-оналар томонидан фарзандларга бериладиган исмлар тўғри, аниқ, мақсадли бўлмоғи даркорки, «абд» қўшимчаси фақат Аллоҳнинг фарзандларга лозим топилган муборак исмлари олдидагина қўшиб айтилади.

**АБДУЛЛОҲ (Абдулла)**

Ушбу исм соҳибларидан бирлари:

1) Абдуллоҳ — Абдумуталлибнинг севикли ўғли. Муҳаммад алайҳиссаломнинг оталари (ваф. 570 й).

2) Абдулла Қодирий — буюк ўзбек ёзувчиси, ўзбек романчилигининг отаси (1894—1938).

3) Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ал Котиб ал-Хоразмий — X асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган ватандошимиз, буюк қомусий олим, «Мафотиҳ-ал-улум» («Илмларнинг калитлари») номли бутун дунёга машҳур ва маъқул бўлган, кўп тилларга таржима қилинган қомусий китобнинг муаллифи.

Ривоят қилинишича, 1. Абдулло исми Аллоҳга бағишланган исм бўлиб, расулуллоҳнинг номлари ҳамдир.

2. Муҳаммад Саллоллоҳу алайҳи васалламдан «Болаларимизга қайси исмни кўпроқ маъқул кўрасиз?», деб сўрашганда, «Абдулло» ёки «Абдураҳмон» деб жавоб берган эканлар. Бу исм Аллоҳ севмайдиган кибр ҳаводан ҳоли.

Исм маъноси:

Аллоҳнинг қули, бандаси (Абд — қул, банда). Исм ўз маъносига кўра фахрий исмлардан биридир.

Исмни эъзозлаш, ҳурматлаш, эркалаш турлари:

**АБИР**

Исм музаккари — Абир.

Муаннаси — Абира.

Исм маъноси: бўй, ҳид, ифор, анбар, анбари жаннат, жаннат бўйи, ҳушбўй ис.

Абирафшон —абир анқитувчи ифор, ҳушбўй ҳид сочгувчи.

Абиросо — абир ҳидли, ҳуш ҳид тарқатувчи, (абир ҳидли шабода) табъан ёқимли.

Абирсирашт — абир қорилган, гулбарги, абир исли гул.

*Сунбули зулфин агар*
*ошуфта қилмайдур, надур.*
*Ким, шабистонга эсар*
*ҳар дам абирафшон сабо.*

(Алишер Навоий. «Бадойиул-васат»).

Исмни эъзозлаш, ҳурматлаш, эркалаш турлари:

Абирали — олий даражадаги анбар, ифор ҳидли ҳушбўй, ҳуш қилиқли, ёқимли, ўзига тортувчи.

Абирбек — хушбўй, хушфеълли, хушобод, ёқимли пешвотўда раҳбари.

Абиржон — анбар ҳидли, ёқимтой, жондан азиз севгили.

Абиртой — анбар ҳидли, ёқимтой, шўх қилиқли, тўла ғайратли.

Абирқул — ифор ҳидли. Анониятлардан пок, ёқимтой.

**Қори НАБИЗОДА**

Миллий Тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г —0223.
5877 нусхада босилди.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 33-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи муҳаррир — Ойбек ТИЛЛАЕВ
123456